Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 56 (5917).

22 МАРТ СЕШАНБА

1977 ИИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

БОШҚАРИШ МАКТАБИ, КОММУНИЗМ МАКТАБИ

СССР касаба союзларининг XVI съезди очилди

Кремлдаги Съездлар саройи. 21 март куни ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг жами беш мингдан ошиқ вакили бу ерга йиғилди.

Эрталаб соат 10. Съезд аҳли **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Ч. Косыгин, Ф. Д. Кулаков, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев, М. В. Зимянин, К. У. Черненко, Я. П. Рябов** ўртоқларни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг ленинчи Сиёсий бюроси якдиллик ва баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Кун тартиби ва иш тартиби тасдиқланади. СССР Касаба союзларининг XVI съезди муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Бутуниттифоқ Касаба союзлари марказий советининг ҳисоботи.
2. Марказий ревизия комиссияси ҳисоботи.
3. Бутуниттифоқ Касаба союзларининг марказий советини сайлаш.
4. Марказий ревизия комиссиясини сайлаш.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ **Леонид Ильич Брежневга** сўз берилади. Съезд аҳли ўртоқ Л. И. Брежневни ўрнидан туриб, узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Касаба союзларини Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб берди ва съезд делегатлари ҳамда меҳмонларининг гулдурос қарсаклари остида Ватаннинг юксак мукофотини ВЦСПС байроғига қадаб қўйди.

А. И. Шибаев ўртоқ Л. И. Брежневга, съезднинг ҳамма делегатлари ва меҳмонларига мурожаат қилиб бундай деди:

Ҳозир бизда улкан шодиёна байрам. Касаба союзларига Ватаннинг яна бир юксак мукофоти топширилди. Бу мукофот бизга уч карра қувончли ва азиздир. Мукофот Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шонли юбилейи йилида топширилди. Мукофот касаба союзларимизнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилда топширилди.

ВЦСПС Раиси касаба союзларининг ишига юксак баҳо бериб, Октябрь революцияси ордени билан мукофотлаганликлари учун съезд делегатлари номидан, Совет касаба союзларининг бир юз ўн уч ярим миллион аъзоси номидан КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига, СССР Олий Совети Президиумига, шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежневга қизғин миннатдорчилик билдирди.

Бундан буён, деди у, касаба союзларининг байроғида кўш Ленин ордени билан ёнма-ён Октябрь революцияси ордени ҳам порлаб туради.

Сўнгра съезд кун тартибидаги биринчи масалани — Бутуниттифоқ касаба союзлари марказий советининг ҳисоботини муҳокама қилишга киришди. **А. И. Шибаев** ВЦСПСнинг иши ва КПСС XXV съезди қарорлари асосида СССР касаба союзларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.



МОСКВА, 1977 йил 21 март. Кремлнинг Съездлар саройи. СССР касаба союзларининг XVI съезди. ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XVI СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни — СССР Касаба союзлари XVI съездининг делегатларини, қаҳрамон ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, халқ зиёлиларининг муносиб вакилларини астойдил, қизғин табриклайди.

КПСС Марказий Комитети съездга келган чет эллик меҳмонларни — кардош социалистик мамлакатлар касаба союзлари делегацияларини, капиталистик ва ривожланаётган давлатлар касаба союзларининг, жаҳон касаба союзлари федерациясининг вакилларини самимий табриклайди.

Ушбу съезд муҳим тарихий аҳамиятга молик воқеалар кўплаб содир бўлаётган бир пайтда тўпланди. Совет кишилари КПСС XXV съезди режаларини, ўнинчи беш йиллик планларини зўр ватанпарварлик ғайрати билан, амалга оширмоқдалар, инсоният тарихида янги даврни — капитализмдан социализмга ўтиш даврини бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини янги ютуқлар билан кутиб олмоқдалар.

Буржуа-помешчиклар тузумига қарши, эксплуатация ва зулмнинг ҳамма шаклларига қарши синфий жанглар алангасида вужудга келган Советлар мамлакатининг касаба союзлари ўзининг етмиш йиллик фаолияти давомида революцион-ўзгартирувчилик ва бунёдкорлик ишларининг катта ва шонли йўлини босиб ўтди. Касаба союзлари ҳозир 113 миллион кишини бирлаштириб турган юксак обрў-эътиборли, энг оммавий жамоат ташкилоти бўлиб қолди. Ўз сафларида экономика, фан ва маданият ҳамма тармоқларининг ходимларини, мамлакатимиздаги барча миллат ва элат меҳнаткашларини жипслаштирган касаба союзлари совет жамияти бузилмас маънавий-сиёсий бирлигининг, СССР халқлари кардошларча дўстлигининг яққол ифодасидир.

Касаба союзларимиз ўз тарихининг ҳамма босқичларида коммунистик партия билан доимо чамбарчас боғланиб, марксизм-ленинизм ғояларига содиқ бўлиб ва шу ғояларни рўёбга чиқариш учун ғайрат билан курашиб келди. Эндиликда, ривожланган социализм шароитларида бошқарув мактаби, хўжаликни юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган касаба союзларининг аҳамияти янада кўпрок ортмоқда, уларнинг совет жамияти ишлаб чиқарувчи кучлари ривожига, социалистик ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришга, янги инсонни тарбиялаб вояга етказишга қўшаётган ҳиссаси тобора салмоқлирок бўлиб бормоқда.

Совет касаба союзлари — ленинчи партимизнинг омма меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини ривожлантириш, унинг ижодий кучларини ватанимиз иқтисодий ва мудофаа кудратини янада мустаҳкамлашга, халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини муттасил оширишга сафарбар қилиш соҳасидаги барча ишларида унинг ишончли таянчидир. Барча хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал этишда касаба союзлари социалистик мусобақанинг, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатининг жуда катта имкониятларидан янада яхширок фойдаланишга интилмоқдалар, меҳнаткашлар қабул қилган социалистик мажбуриятлар ва мукобил планларнинг бажарилишига астойдил ҳаракат қилмоқдалар, мусобақадошларнинг куч-ғайратини ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида иш сифатини яхшилашга қаратмоқдалар.

Касаба союз ташкилотлари ҳар бир совет кишиси, ҳар бир меҳнат коллективи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришадиган, ишлаб чиқариш интизоми ва иқтисодий тежашга қаттиқ риоя қиладиган, ўз ишининг сифатини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини кун сайин яхшилайдиган бўлиши учун янада активроқ иш олиб боравершилари лозим. Бу ишларнинг ҳаммаси бутун совет халқининг бахт-саодатига хизмат қилади.

Фан-техника революцияси ютуқларини социалистик хўжалик системаси афзалликлари билан узвий равишда бирга қўшиш вазифаси касаба союзларидан техникани ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтиришни, ихтирочилар ва рационализаторлар ҳаракатини тобора кенг авж олдиришни, фан-техника бисимлари пропагандасини, иқтисодий таълимни ва меҳнаткашларнинг профессионал тайёргарлигини яхшилашни талаб қилади.

Коммунистик партия ўнинчи беш йиллик учун ўз кўлами жиҳатидан мислсиз социал программани белгилаб берди, ҳозир шу программа изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳаки оширилмоқда, колхозчиларнинг даромадлари кўпайтирилмоқда, ижтимоий истеъмол фондлари ортмоқда. Уй-жой, мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари, шифохоналар қурилиши кенг миқёсда давом эттирилмоқда. Социал вазифаларни ҳал этишда фаол қатнашиш касаба союзларимизнинг жонажон ишидир. Касаба союзлари уй-жой ва социал-маданий қурилиш планларини бажаришга янада зўр ғайрат билан ҳаракат қилишларига, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилишларига шубҳа йўқ.

Касаба союзлари меҳнаткашларнинг қонуний манфаатлари тўғрисида, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, унинг шароитларини соғломлаштириш ва енгиллаштириш ҳақида, меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши ҳақида бундан буён ҳам кун сайин ғамхўрлик қилиб туришлари керак. Совет кишиларининг маданий ва воғлом ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш, санаторий-курортларда даволашни яхшилаш, туризм, физкультура ва спортни, меҳнаткашларнинг ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантириш учун касаба союзларининг кенг имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш зарур.

Касаба союзлари совет жамиятининг сиёсий системасида муҳим ўрин олиб турибди, социалистик демократияни амалга оширишда ва уни ривожлантиришда актив қатнашмоқда, меҳнаткашларни давлат ва жамоат ишларини бошқаришга янада кенг жалб этишга кўмаклашмоқда. Уларнинг экономика соҳасида социалистик демократияни ривожлантиришдаги иши катта аҳамиятга эгадир. Миллион-миллион кишилар ишчиларнинг йиғилиши, ишлаб чиқариш кенгашлари, жамоат комиссиялари ва меҳнаткашлар депутатлари Советлари орқали хўжалик ва давлатни идора қилишда қатнашмоқдалар, оммавий жамоат контролини амалга оширмоқдалар. Касаба союзлари ўзларининг ташкилотчилик ва тарбиявий ишларини такомиллаштириш билан бирга омманинг ижтимоий-сиёсий активлигини янада ривожлантиришлари керак.

Ҳар бир киши ўзининг гражданлик бурчига чуқур онг ва масъулият билан ёндошган тақдирдагина социалистик демократизм принциплари ғоят тўлиқ мужассамлаштирилиши мумкинлигини ҳаёт яққол кўрсатиб турибди. Касаба союзлари ўзларининг меҳнаткашларни коммунистик ғоявийлик, марксизм-ленинизмга ёт бўлган идеологиянинг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик руҳида, юксак онглилик ва меҳнатсеварлик руҳида, халқ мулкини сақлаш ва кўпайтириш тўғрисида омилкорона ғамхўрлик қилиш руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишлари таъсирчанлигини оширишлари керак.

Коммунистик тарбия соҳасидаги жамики ишларда чинакам демократия, озодлик ва инсонпарварлик тузуми бўлмиш совет тузумининг буюк ютуқларини мохирона кўрсатиб бериш ва далиллар билан пропаганда қилиш, шахснинг реал озодлиги ва ҳар томонлама ривожини, меҳнат ахлининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаган социалистик турмуш тарзимизнинг афзалликларини яққол намойиш қилиш лозим. Шу асосда одамларда юксак синфий онг, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, халқ манфаатларига, порлоқ коммунизм идеалларига садоқат туйғуларини шакллантириш зарур.

Партия касаба союзларининг хўжалик ва маданий қурилиш ишига қўшаётган жуда катта ҳиссасини юксак қадрлайди, совет жамияти ҳаётида уларнинг ролини муттасил ошириш учун ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиб беради. КПСС XXV съезди ишлаб чиққан йўл асосида касаба союзларининг ташкилий тузилишини, уларнинг фаолият формалари ва методларини экономика структурасида содир бўлаётган ўзгаришларни, саноат ва кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш системаси такомиллаштирилаётганлигини ҳисобга олиб яхшилаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Касаба союзларининг вазифаси ўзининг ҳар бир ташкилоти иш самарасини ўзлуксиз оширишдан, бу ишга конкретлик, таъсирчанлик, умумхалқ иши учун юксак масъулият бахш этишдан иборат. Касаба союзларининг бутун фаолияти союз ички демократиясини, омманинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини, танқид ва ўз-ўзини танқидни, масалаларни ҳал этишда коллективчиликни янада ривожлантириш асосида қурилиши керак.

Бизнинг касаба союзларимиз пролетар интернационализми, барча қитъалар меҳнаткашлари билан кардошларча бирдамлик байроғини баланд кўтариб бормоқда, тинчлик, халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун курашнинг партия белгилаб берган программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. КПСС совет касаба союзларини социалистик мамлакатлар касаба союзлари билан кардошлик алоқаларини бундан буён ҳам кар томонлама ривожлантириш ва кенгайтиришга, халқаро касаба союз ҳаракатининг бирлигини, бутун дунё касаба союзлари ва меҳнаткашлари билан интернационал дўстликни мустаҳкамлашга чақиради.

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети СССР касаба союзларининг XVI съездига, унинг делегатларига ишда катта муваффақиятлар тилайди ва касаба союзлари КПСС XXV съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратини ишга соладилар, деб қаттиқ ишонч билдиради.

Яшасин Коммунистик қурилишда Ленин партиясининг актив ёрдамчилари бўлган совет касаба союзлари!

Яшасин Улуғ Октябрь ватани — Совет Иттифоқи!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

Яшасин коммунизм!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

СОВЕТ КАСАБА СОЮЗЛАРИ —ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ТАЪСИРЧАН КУЧИ

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Мен касаба союзлари XVI съезди делегатларига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва КПСС Марказий Комитети секретариати қизғин, самимий саломини топширишдек фахрли ва шу билан бирга ёқимли вазифани бажаришга мушарраф бўлдим.

Буюк меҳнат армиясининг вакиллари ўзларининг фикр-ўйлари ва тажрибалари билан бу ерга, шу залга цех ва шахталардан, қурилиш, дала ва фермалардан, илмий лабораториялар ва ўқув юртларидан, давлат муассасалари ва ижодий ташкилотлардан, кўп миллатли Ватанимизнинг барча республикаларидан ва областларидан келишди.

Бу ерда қаҳрамон ишчилар синфининг вакиллари бор. Ишчилар синфининг меҳнати мамлакат қудрати ва равнақининг негизидир. Ишчилар синфининг идеологияси — марксизм-ленинизм социал тараққиёт чўққилари сари қилаётган ҳаракатимизнинг йўлчи юлдузи бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ерда қишлоқ меҳнаткашлари кўп миллионли армиясининг вакиллари ўтирибди. Уларнинг экономикани мустаҳкамлаш ва совет кишиларининг турмушини яхшилашга қўшаётган бебаҳо ҳиссасини бутун партиямиз, бутун халқимиз ғоят қадрламоқда.

Партия касаба союз ҳаракатига колхозчиларнинг тобора кенг жалб этилаётганлигига принципиал аҳамият беради. «Касаба союзларининг ишини мустаҳкамлаш, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин, — уни фақат кишлоқ пролетариатигина эмас, балки барча меҳнаткаш деҳқонларига таркатиш демакдир». (В. И. Ленин, асарлар, 42-том, 243-бет). Ленинниг бу васияти изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Съезд делегатлари орасида фан, техника, маданият ва санъат арбоблари, мамлакатнинг маънавий ва маданий потенциалини оширишда жуда катта роль ўйнаётган кишилар кўп.

Бу ерда меҳнаткашларнинг, биз умуман хизматчилар деб атаган кўп сонли табақасининг вакиллари ҳам бор. Уларнинг фаолияти ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида зарурдир.

Бу залда касаба союз ҳаракатида актив қатнашувчи хотин-қизлар ҳозир бўлганлар. Ана шу активлар тўғрисида чин кўнгилдан самимий гаплар айтишни истайсан киши. Улар ишчи хотин-қизларнинг эллик миллиондан зиёд отряди вакилларидир.

Очиғини айтсам, биз эркаклар аёллардан қарздормиз. Биз уларнинг уй-рўзғорда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам икки томонлама қилаётган меҳнатини енгиллаштириш учун ҳали ҳамма чора-тадбирларни кўрдик, дея олмаймиз. Лекин шунга қарамай, оналар, хотин ва опа-сингилларимизга миннатдорчилик сўзларини, уларнинг фидокорона меҳнати учун ташаккур сўзларини айтиш учун кўп асослар бор.

Бу залда ёшлар кўп. Шундай бўлиши ҳам керак. Булар мамлакатнинг келажаги, булар яқин келгусида жамиятга раҳбарликни ўз кўлига оладиган авлоддир. Ишончли, муносиб ўринбосарларимиз борлигидан хотиржаммиз.

Шу тариқа, ўртоқлар съездда совет жамиятидаги барча асосий социал группалар, барча онгли, ижодий кучларнинг кўпдан-кўп вакиллари бор. Съездда бу қадар кўп вакил ватанпарварлигининг демократиянинг, бизнинг социалистик демократиямизнинг ёрқин ифодасидир. Бу демократия халқ турмушига чуқур сингиб кетган.

Етук, ривожланган социализмнинг вужудга келтирилганлиги мамлакат иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий тараққиётининг кўпгина вазифаларини янгича қўйди. Бизнинг имкониятларимиз ҳам, ижтимоий талаб эҳтиёжларимиз ҳам бошқача бўлиб колди. Партия ва халқ амалий фаолиятининг кўп жиҳатлари тубдан қайта қурилмоқда. Бунда гап жуда катта кўламдаги ишлар ҳақида, бутун жамият учун, шунингдек ҳар бир совет кишиси, ҳар бир совет оиласи учун ҳаётий муҳим бўлган мураккаб ишлар ҳақида боряпти. Партия XXIV ва XXV съездларининг қарорлари, коммунистик қурилишнинг шу съездларда ишлаб чиқилган стратегияси — олға караб зафарли ҳаракат стратегияси бизни ҳудди шундай ишларга чорламоқда!

Совет Иттифоқи тараққиётининг ҳозирги босқичи ҳаммамизнинг зиммамизга жуда катта масъулият юклайди, партия томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшмоқ учун ҳар биримизни ўзимизга нисбатан, ўз ишимизга нисбатан ғоят талабчан бўлишга чорлайди. Бу — касаба союзларига ҳам тамомила тааллуқлидир.

Биз шуни зўр мамнуният билан айта оламизки, мамлакатимизнинг касаба союзлари ташкил этилган биринчи кунлариданоқ партия билан бирга борди. В. И. Ленин касаба союзларининг социалистик жамиятдаги ўрни ва ролини белгилаб, уларни бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби деб атади. Ривожланган социализм шароитида касаба союзлари ишининг ана шу йўналишлари поёнига етказилдими? Йўқ, етказилган эмас. Аксинча, ҳозирги шароитда ана шу йўналишлар янада катта аҳамият касб этмоқда ва янада тўлиқ намоён бўлмоқда.

Совет касаба союзлари бошқариш мактаби бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Шу билан бирга улар оммавий мактабдир. Бу — принципиал жиҳатдан муҳимдир. Ана шу оммавий мактабда ўн миллионларча кишилар ишлаб чиқаришни, давлатни, жамиятни бошқариш илмини эгаллайдилар.

Совет касаба союзлари хўжалик юритиш мактаби бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Шу билан бирга улар социалистик хўжалик юритиш мактабидир. Бу ҳам принципиал жиҳатдан муҳимдир. Бизнинг жамиятимизда ишлаб чиқариш меҳнаткашга қарама-қарши турмайди. Халқ хўжалигини ривожлантириш ҳақида, ишлаб чиқаришни юксалтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини тўғрисида, уларни меҳнат ва турмуш шароитларини тўғрисида ғамхўрлик қилиш — касаба союзларининг яҳлит вазифасидир Дарҳақиқат, яхлит вазифасидир. Бунинг бонси шуки, экономикани ўстириш ва сифат жиҳатдан такомиллаштириш — меҳнат аҳлининг, унинг оиласининг, барча гражданларнинг турмуш шароитларини яхшилашнинг бевосита ва тўғри йўлидир.

Совет касаба союзлари коммунизм мактаби бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бу мактабда коммунистларча яшаш ва ишлашни ўрганадилар. Бу мактабда меҳнат аҳлининг янги маънавий қиёфаси шаклланади. Бу мактабда интернационалист меҳнаткашларнинг юксак фазилатлари тарбияланади, «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган сўнмас шиорга садоқат руҳида тарбияланади.

Вақт ўтиб бормоқда, вазият ўзгармоқда, янгидан-янги вазифалар ўртага қўйилмоқда. Аммо Ленин кўрсатиб берган йўл бирдан-бир ҳақиқий, бирдан-бир тўғри йўл бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Ўртоқлар! Мен съездингизда қизғин тус оладиган мунозарани олдиндан бошлаб бермоқчи эмасман. Аммо партия Марказий Комитети номидан ва унинг топшириғи билан сўзга чиқиб, касаба союзларининг алоҳида диққат-эътиборига сазовор бўлган ишлар ҳақида, ҳал этиш учун касаба союзлари жуда салмоқли ҳисса қўшиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтиш мумкин, деб ҳисобладим.

Гапни экономикадан бошлайман. Ҳозирги кунниг ўзига хос қандай хусусиятлари бор? Бу хусусият шундан иборатки, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги учун халқ хўжалигининг барча соҳаларида ва барча тармоқларида ишнинг юксак сифати учун кураш иқтисодий сиёсатнинг диққат марказига қўйилди.

Самарадорлик ва сифат ўнинчи беш йилликнинг асосий вазифасидир. Аммо шуни эсдан чиқармаслик керакки, лўнда ва аниқ бу формула қуруқ сапга айланиб колмасин, ўзининг актив, сафарбар қилувчи характеридан маҳрум бўлиб қолмасин, ҳар бир киши бу вазифани амалга ошириш учун ҳамма ишни бажараётганлигини ёки бажармаётганлигини кун сайин, эҳтирос билан текшириб туриши керак. Бунда касаба союзларининг ўз кучларини сарф қиладиган, зўр ғайрат-шижоат кўрсатадиган ишлар бор.

Халқ хўжалигимизнинг ғоят ўсган кўламдаги ва мураккаблиги планлаштириш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш ҳақидаги, бутун хўжалик механизмини яхшилаш тўғрисидаги масалани кескин қилиб қўяди. Бу йўналишда кўп иш қилинмоқда. Марказий план ва хўжалик органлари тегишли конкрет таклифларни таёрлаш билан банд. Бу ишни пайсалга солмаслик муҳимдир. Партия бу ишга жуда катта аҳамият бермоқда.

Аммо биз бошқа бир нарсани ҳам ҳеч қачон эсдан чиқармаймиз. Социализм «юқоридан» деганларидек яхши бошқаришга қўшимча равишда экономиканинг юксалтирилишини жадаллаштирувчи яна бир кудратли кучга эгадир. Бу — «қуйидан», аниқрок қилиб айтганда, жамиятнинг ичичидан келиб чиқувчи миллионларнинг ижодий активлиги, ташаббуси, меҳнат ғайрат-шижоатидир.

Социализмнинг буюк афзаллиги ана шунда. Бунда социализмнинг асосий «сирлари» дан бирини кўриб турибмиз. Бу «сирлар» бутун тарихимиз мобайнида иложи йўқдек туюлган нарсаларга эришиш, янги жамият тараққиётининг суръатлари билан унинг ҳаётий кучи ва динамизми билан бутун дунёни ҳайратда қолдириш имконини берди.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Революцион ҳаракатдаги ва Улуғ Октябрь социалистик революциясидаги, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишдаги катта хизматлари, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги актив иштироки учун **СССР Касаба союзлари Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Н. ПОДГОРНИЙ.**
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль. 1977 йил 18 март.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Бу омил бундан буён ҳам биз учун муҳим бўлади. Ҳаёт оммавий ташаббуснинг янгидан-янги формаларини доим вужудга келтирмоқда. Бунда ўртоқлар, жуда кўп нарса сизларга, касаба союз ишларига, ижодий ғайрат-шижоатни қўллаб-қувватлай билишга, бу ғайрат-шижоатни ҳар бир корхонада, ишнинг ҳар бир соҳасида конкрет актуал вазифаларни ҳал этиш йўлига солиб юбора билишга боғлиқдир.

Шу муносабат билан мен аввало касаба союзларининг социалистик мусобақани ривожлантиришдаги ролига тўхталиб ўтмоқчиман. Партиянинг 1920 йилда ўтказилган IX съезди касаба союзларига мусобақани уюштиришни топширганлигини эслатиб ўтаман. Касаба союзлари ана шу муҳим иш учун ҳозирги кунда ҳам жавобгардир.

Ҳозирги босқичда социалистик мусобақа сифат жиҳатидан янги ҳислатлар, янги хусусиятлар касб этаётганлиги тамомила табиий бир холдир. Ҳозирги кунда мусобақани фан-техника революциясидан ажратиб бўлмайди. Мусобақа самарадорлик ва сифат проблемаларини тобора кўпроқ қамраб олмоқда. Мусобақа халқ хўжалигида пироварди энг яхши натижаларга эришишга қаратилган. Мусобақа муқобил планлар билан чамбарчас боғланган. Миллионларнинг ташаббуси ва фидокорона меҳнати муқобил планларда ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Мусобақа давомида илғорлар, ғолибларгина эмас, қолоқлар ҳам аниқланади. Шу тариқа мусобақа куч-ғайратни камчиликларга барҳам бериш, умумий юксалишни жадаллаштириш учун қолоқ участкаларни илғорлар даражасига кўтариш учун сарфлашга ёрдам беради.

Буларнинг ҳаммаси мусобақани ташкил этишни шаблонга йўл қўймайдиган мураккаб ишга айлантиради. Буларнинг ҳаммаси касаба союзлари олдига катта вазифаларни қўяди, уларнинг экономикани бошқаришдаги, ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишдаги ролини кучайтиради.

Социалистик мусобақани юксак даражага кўтариш касаба союзлари билан бир қаторда хўжалик раҳбарлари, корхоналар маъмурияти зиммасига ҳам кўп мажбурият юклайди. Омманинг ғайрат-шижоатини суистеъмол қилиш ярамайди. Эзгу ишлар, яхши ташаббуслар мақтовгагина эмас, амалда доим қўллаб-қувватлашга ҳам муҳтождир. Фойдали ташаббуснинг бирортаси ҳам сўниб қолмаслиги керак. Партия масалани шу тахлитда қўймоқда.

Масалага шундай ёндошиш мусобақанинг иқтисодий самарасини кўпайтиришни таъминлаш билан бирга, айни вақтда мусобақанинг тарбиявий аҳамиятини оширади. Буни эсдан чиқариш ярамайди. Мусобақа янги кишини тарбиялашнинг ғоят муҳим воситаси бўлиб, унинг сиёсий жиҳатдан ўсиши ва маънавий камол топишига ёрдам беради.

Мусобақанинг аниқ сиёсий йўналиши хусусан меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида жуда яққол намоён бўлади. Ўн миллионларча кишилар бу ҳаракатда қатнашмоқдалар. Аммо бунда миқдор эмас, сифат асосий нарсадир. Шу сабабли коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари деган юксак номни берган вақтда Лениннинг «**шу қадар ҳурматли номни** зўр бериб кўп меҳнат қилиш билан **қўлга киргизмоқ,** чинакам коммунистик қурилишда исбот этилган **амалий** ютуқлар билан қўлга киргизмоқ керак» деб берган кўрсатмасига доим амал қилишга тўғри келади. (В. И. Ленин асарлар, 29-том, 447 бет).

Ўртоқлар, ана шу сўзларни чуқур ўйлаб кўринг. Бу сўзларда ишга сиёсий, партиявий ёндошиш таърифлаб берилган. Бу сўзлар расмиятчилик, тўрачилик, хўжакўрсинга ишлашга, биз, коммунистлар жуда қатъий, такрор айтаман, жуда қатъий кураш олиб боришимиз лозим бўлган ҳамма нарсаларга қарши мустаҳкам ғов вужудга келтиради.

Ишнинг яна бир катта соҳаси бор. Касаба союзлари бу соҳада жуда муҳим роль ўйнайди. Бу — меҳнат интизомини мустаҳкамлашдир.

Совет кишиси — ўз мамлакатининг хўжайини. У — жамиятнинг қудрати ва бойлигини вужудга келтирувчи ягона кучдир. Бизда халқдан бошқа ҳеч ким ижтимоий меҳнат натижаларидан фойдалана олмайди, аммо ҳеч ким биз учун меҳнат ҳам қилмайди. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир киши ўзидан ўзи уялмай, ўртоқларнинг кўзига соф виждон билан қарай оладиган даражада ишлаши керак.

Шу боисдан илғор ишчилар, меҳнат ветеранлари, бутун-бутун коллективлар ишчи инсон шарафини эсдан чиқариб қўядиган, интизомни бузадиган халқ мулкини эҳтиёт қилмайдиганларга нисбатан талабчанликни кучайтириш тўғрисидаги масалани кўтармоқдалар. Ўртоқлар, ана шу соф виждонли меҳнаткашларнинг садосини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш — сизнинг бевосита бурчингиз, барча касаба союз ташкилотларининг бурчидир!

Бу масаланинг кескин тарзда қўйилишига сабаб интизом бўшаганлиги эмас. Умуман олганда аҳвол бундай эмас. Аммо биз янги техника ва янги технология, тармоқлар ва ишлаб чиқаришнинг тобора кўпроқ бир-бирига боғлиқ бўлиб қолаётганлиги, хўжалигимизнинг ҳозирги бутун қиёфаси қўяётган янги талабларни эътиборга олмаслигимиз мумкин эмас.

Чунки ҳозирги кунда интизомнинг ҳар қандай бузилишидан, меҳнат план ва технология интизомининг ҳар қандай бузилишидан кўриладиган зарар ҳаддан ташқари ортиб бормоқда. Кетмон ҳам замбилғалтак билан қуролланган ер қазувчининг ёмон ишлашидан кўрилган зарарни одимловчи экскаваторнинг бекор туриши орқасида кўриладиган зарар билан таққослаб кўриш мумкинми, ахир? Бир цехнинг ишидаги узилиш заводнинг бир неча минг сўм зарар кўришига олиб келиши, пировард натижада эса бутун тармоққа салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Иш вақтини тежаш ҳозирги пайтда нақадар катта аҳамият касб этди! Мамлакат миқёсида бир минутнинг қиммати тўғрисида тасаввур берадиган рақамларни келтириб ўтамиз. Бир минут ичида икки миллион киловатт-соатдан кўп электр энергия ишлаб чиқарилади, қарийб 300 тонна пўлат эритилади, бир минг тоннадан зиёд нефть, қарийб бир ярим минг тонна кўмир, 650 минг кубометр газ қазиб чиқарилади. Мамлакат миқёсида иш вақти атиги бир минутининг зое кетиши икки юз минг ишчининг бир кунлик меҳнат натижаларидан маҳрум бўлиш демакдир.

Бир минут ичида бажариладиган ишнинг қиммати ана шундай. Афсуски, биз баъзан буни эсдан чиқариб қўямиз. Акс ҳолда прогул ва бекор туришлардан кўриладиган зарар миллион-миллион одам-кунга бориб етмас эди. Шу ерда ўтирганларнинг кайфиятини бузишни хоҳламайман, лекин шундай бўлса ҳам қуйидагиларни айтиб ўтишга мажбурман: касаба союз ташкилотлари иш вақтининг тўла қимматга эга бўлиши учун талаб этилганидек жонбозлик билан курашмаётирлар.

Партия касаба союзларини ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга реал ёрдам бера оладиган қудратли куч, деб ҳисоблайди. Интизомни социалистик тузумимизга хос бўлган восита ва методлар билан — кишиларни масъулиятни сезиш ва онгли иш олиб бориш руҳида тарбиялаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг яхши ўйлаб тузиб чиқилган системаси билан, ўртоқларча танқид ва ўз-ўзини танқид, коллективнинг кундалик таъсири билан мустаҳкамлаш керак.

Ўртоқлар! Иқтисодий проблемалар ҳақида гапирганимда, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг жуда муҳим баъзи масалаларига тўхталмай ўтолмайман. Касаба союзларининг бундан аввалги съездларининг бирортасида ҳам қишлоқ меҳнаткашларидан бу қадар кўп вакил қатнашмаганлиги учун шу ҳақда гапириб ўтиш ўринлидир.

Биз аҳолини юқори сифатли, пишиқ-пухта ва хилма-хил озиқ-овқат моллари билан узлуксиз таъминлаб туришдан иборат катта вазифани қўйдик. Шу муносабат билан ҳозирги пайтда гўшт ва гўшт маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, бинобарин, чорвачиликни янада ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этди. Биз бу масалани ҳал этишимизга шак-шубҳа йўқ. Аммо бутун гап шундаки, бу масалани тезроқ ҳал этиш керак. Қишлоқ хўжалигида ишлаётган ҳамма кишиларнинг фикри-зикри ва куч-ғайрати шунга қаратилиши лозим.

Бизнинг мақсадимиз — чорвачиликни аввало, хўжаликлараро кооперациялаш, ихтисослаштириш ва концентрациялаш асосида саноат негизига кўчиришдан иборат. Биз шу йўлдан бориб, кўп натижаларга эриша олдик.

Шу билан бирга биз бутун чорвачиликни ва озуқа тайёрлашни индустриал негизга кўчириш анча кўп муҳлат талаб этаётганлигини кўриб турибмиз.

Марказий Комитет буни эътиборга олиб, қинғайиш ва шошма-шошарликка йўл қўйилмасин, ихтисослаштирилган йирик хўжаликларга умид боғлаб, колхоз ва совхозлардаги фермалар дарҳол тугатилмасин, деб бир неча бор огоҳлантирди. Афсуски, ҳамма жойда ҳам шу маслаҳатларга эътибор берилди, деб бўлмайди. Кейинги йилларда чўчқа боқмай қўйган, паррандаларни парвариш қилиш билан шуғулланмай қўйган колхоз ва совхозлар сони анча ортганлиги каби ташвишли фактни шу билангина изоҳлаш мумкин. Аҳолини гўшт билан узлуксиз таъминлаш ҳали йўлга қўйилмаган бир шароитда бундай аҳволга тоқат қилиш мумкин эмас, бу аҳволни тузатиш керак. Айниқса иқтисодий жиҳатдан асослаб берилган жойларда келгусида ҳам колхоз ва совхозлардаги чорвачилик фермаларидан воз кечиш ярамайди.

Муҳим бўлган яна бир резерв тўғрисида ҳам гапиришга тўғри келади. Жамоат ишлаб чиқариши озиқ-овқат маҳсулотларининг давлатга қарашли товар ресурсларини вужудга келтиришнинг шубҳасиз негизидир. Айни вақтда шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг имкониятларидан ҳам тўла фойдаланиш муҳимдир.

Маҳаллий органлар, колхоз ва совхозлар бу ишда муваффақият қозонишга ёрдам беришлари керак. Матлубот кооперацияси ҳам жиддий ёрдам бериши мумкин. Жумладан, қишлоқ аҳолиси ва колхозлар ихтиёрида бўлган ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишни уюштириш учун матлубот кооперацияси зиммасига катта масъулиятни юклаш ўринли бўлур эди.

Чорвачиликнинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари бошқа баъзи масалаларга ҳам янгича ёндашишга мажбур этади. Биз дон етиштиришни қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим негизи деб тўғри ҳисоблаб келдик ва шундай деб ҳисоблаймиз. Аҳолининг озиқ-овқат ўрнида ишлатиладиган ғаллага бўлган эҳтиёжларини қондириш учун етарли миқдорда донимиз бор. Ҳозир гап дон проблемасининг муҳим бўлган бошқа жиҳати тўғрисида — ембоп дон экинларининг энг қимматли навларини кўпроқ етиштириш ва унинг сифатини ошириш тўғрисида бораётир. Суғорма ўтлоқ ва яйловларни, бедазорларни кенгайтириш ҳам муҳимдир.

Аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, сақлаш ва қайта ишлашни жиддий суръатда яхши йўлга қўйиш талаб этилади. Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш соҳасидаги ҳамма ишларни бошқаришни такомиллаштириш бу вазифаларни ҳал этишга ёрдам бериши лозим. Бу муҳим масалага доир таклифларни тайёрлашни тезлаштириш керак.

Ўртоқлар, бизнинг съездимиз қишлоқ хўжалиги учун энг масъулиятли бир пайтда, дала ишлари қизғин тус ола бошлаган бир чоғда тўпланди. Шу фурсатдан фойдаланиб, колхозчилар ва совхоз ходимларининг экиш-тикиш ишларида катта муваффақиятлар қозонишларини тилаймиз.

Ўртоқлар! Партия совет кишилари турмушининг моддий ва маънавий даражасини ошириш вазифасини биринчи ўринга қўйди. Партия «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!» деб программамизга ёзиб қўйилган шиорни минг-минглаб амалий ишларида рўёбга чиқарди.

Бу соҳада нақадар кўп иш қилинаётгани ўзларингизга маълум. Кейинги ойларнинг ўзида бир қанча янги муҳим қарорлар қабул қилинди. Шу қарорлардан бирида 31 миллиондан ортиқ совет меҳнаткашининг пул даромадларини ошириш кўзда тутилган. Бошқа бир қарор харидоргир моллар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларнинг сифатини оширишга бағишланган. Ана шу ҳамма соҳалардаги иш давом эттирилади. Халқнинг турмушини яхшилаш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал этишга касаба союзлари салмоқли ҳисса қўшишига шак-шубҳа йўқ. Зеро, касаба союзлари айни инсон учун, унинг манфаатлари учун хизмат қилмоқда.

Меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисида, қўлда бажариладиган, паст малакали, жисмоний оғир меҳнатни имкони борича камайтириш ҳақида, касаба касалликларига ва ишлаб чиқариш травматизмига йўл қўймайдиган вазиятни вужудга келтириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилишнинг жуда муҳим аҳамияти ана шундан келиб чиқади.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва транспортни техника билан қайта қуроллантиришга катта маблағ ажратилмоқда. Партия бу соҳаларни техника билан қайта қуроллантиришни меҳнат шароитларини яхшилаш, ҳамма ишлаб чиқариш тармоқларини инсон учун қулай, хавф-хатарсиз тармоқларга айлантиришнинг ҳал қилувчи воситаси деб билади. Бизнинг мақсадимизни: хавфсизлик техникасидан — хавфсиз техникага ўтиш, деб таърифласа бўлади. Биз бу йўлни бошладик ва шу йўлдан оғишмай бораверамиз.

Аммо, истиқболни яхши фаҳмлаш билан бирга, ҳозирги, бугунги аҳволни ҳам кўришимиз лозим. Бизда меҳнат шароитлари ҳар жиҳатдан кўнгилдагидек, деб айта оламизми? Афсуски, бундай дея олмаймиз. Баъзан маъмурият ҳам, касаба союзлари ҳам жиддий камчиликларни назарга олмайдилар, меҳнат шароитларини ва хавфсизлик техникасини яхшилаш тадбирларини қандайдир иккинчи даражали бир нарса деб биладилар, коллектив шартномаларга ёзиб қўйилган мажбуриятларни бажаришга тузук эътибор бериб қарамаслик фактларига муросасозлик қиладилар.

Шу йилнинг бошларида ВЦСПСнинг таклифига биноан, халқ хўжалигида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасини янада яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бироқ, касаба союзларининг ташаббуси шу билан тамом бўлмаслиги керак. Белгиланган тадбирлар албатта амалга оширилиши лозим. Бу — министрликлар ва идоралар олдига, барча хўжалик раҳбарлари олдига қўйиладиган катъий талабдир. Бу — касаба союзларининг ҳам энг муҳим вазифасидир.

Корхоналардаги умумий овқатланиш ва маиший хизматни яхшилаш учун ҳам кўп иш қилиниши керак. Иш жойидаги инсоннинг манфаатларига дахлдор бўлган бошқа ҳамма масалалар каби бу масалаларда ҳам касаба союз комитетлари кўпроқ талабчанлик, кўпроқ жанговарлик кўрсатишлари керак.

Инсон тўғрисидаги ғамхўрлик завод дарвозасидан ташқарига чиқиш билан тамом бўлмайди, тамом бўлиши мумкин эмас, албатта. Совет кишиларининг турмушини яхшилаш, уларнинг сиҳат-саломатлиги ва дам олиши тўғрисида, меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари бўш вақтларидан ўзи ва жамият учун фойда келтирадиган тарзда оқилона фойдаланиши ҳақида ғамхўрлик қилиш — социал сиёсатимизнинг жуда катта соҳасидир. Техника ижодкорлиги, физкультура ва спорт машғулотлари, бадиий ҳаваскорлик — шуларнинг ҳаммаси миллион-миллион кишиларнинг эҳтиёжига айланди. Бу соҳада ҳам касаба союзларининг имкониятлари катта, фаолият майдони жуда кенг.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим деб ҳисоблайман: бир қанча республикалар, ўлкалар ва областларда уй-жой, болалар муассасалари, мактаблар, касалхоналар, клублар, стадионлар қуришга ажратилган катта-катта маблағлар йил сайин ўзлаштирилмай қолаётган бир пайтда партия ташкилотларигина эмас, шу билан бирга касаба союзлари ҳам пассив позицияда туришлари мумкин эмас. Биз, ўртоқлар, — ҳам партия, ҳам касаба союзлари, — буни қаттиқ ва диққат билан кузатиб туришимиз лозим!

Инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиш — унинг моддий эҳтиёжларини қондиришдангина иборат эмас. Мен съезд делегатларига мурожаат қилиб, ишнинг маънавий, ахлоқий жиҳатини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман. Бу ишга алоҳида чиқим қилиш талаб этилмайди. Бунинг ўрнига мутлақо бошқа нарса — ҳамма жойда ва кун сайин инсонга эътибор бериб, меҳрибонлик қилиш керак бўлади.

Қарияларнинг иззат — ҳурматини қандай қилиб ўрнига қўйиш мумкин? Инвалиднинг қисматини қандай қилиб енгиллаштириш мумкин? Дил ранжишини ёки гина-кудуратни қандай қилиб кўнгилдан чиқариш мумкин? Ҳаёт ҳар қадамда ана шундай масалаларни ўртага қўяди. Инсонга меҳрибонлик билан муносабатда бўлишдек юксак санъатни тинимсиз такомиллаштириш орқалигина бу масалаларни ҳал этса бўлади. Ҳар бир совет кишисининг тақдирига, бахтига дахлдор бўлган бу катта ишда актив қатнашиш қайноқ ҳаёт қучоғидаги касаба союзларининг жуда муҳим ишидир.

Ўртоқлар! Партия ишлаб чиқаришда демократик негизларни ривожлантиришга жуда муҳим аҳамият беряпти. Социалистик жамиятдаги меҳнаткаш инсон — у ёки бу операцияларнинг, у ёки бу кўрсатмаларнинг механик ижрочиси эмас. Унинг учун ўз куч-ғайратининг бевосита натижасигина эмас, бу натижаларнинг умумий меҳнат жараёнидаги ўрни ва аҳамияти ҳам муҳимдир. Умумий ишга ўз шахсий ҳиссасини қўшиш муддаоси ва имконияти меҳнат фаолиятининг жуда катта омили бўлиб хизмат қилади, давлат манфаатларини кўзлаб кенг кўламда фикрлашга, муштарак юмушларни ўз юмушлари деб билишга ўргатади.

Ишчи инсон ўз овозига қулоқ солинаётганлигини, унинг фикри инобатга олинаётганлигини, социал ва хўжалик планларини ишлаб чиқиш пайтида унинг позицияси ҳақиқатан ҳам ҳисобга олинаётганлигини билиб турган жойларда, — фақат шу жойлардагина у ўзини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий хўжайини деб, ўз тақдирининг хўжайини деб ҳис этади. Сиёсий вазифалар билан ишлаб чиқариш вазифалари шу тарика бир-бири билан чатишиб кетади.

Касаба союзларининг меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга тобора кенг жалб этиш соҳасида қилаётган ишлари социалистик демократизм кўринишларининг фақат биттаси, холос. Нуфузли жамоат кучи сифатида ҳаракат қилаётган касаба союзлари бутун сиёсий системамизда, социалистик демократияни ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда. Бу соҳада том маънодаги демократия, чунончи — халқ ҳокимияти, яъни давлат ва жамоат ишларини ҳал қилишда омманинг иштирок этиши, В. И. Ленин гапирган «Халқнинг ҳақиқатан ўзини ўзи идора қилиши» (В. Ленин, асарлар, 26-том, 103 бет). биз учун бош масала бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Социализм билан демократия ажралмасдир. Биз коммунизм қуриш жараёнида демократияни тобора кенг кўламда ривожлантира берамиз. Бу ўринда гап, социалистик демократия тўғрисида, яъни ҳам сиёсий, ҳам социал, ҳам иқтисодий соҳаларни қамраб оладиган демократия ҳақида, аввало, социал адолат ва социал тенгликни таъминлайдиган демократия тўғрисида бораётганлиги равшан.

Ўртоқлар! Ҳозир мамлакатда 700 мингтага яқин бошланғич касаба союз ташкилоти, салкам ярим миллионта цех комитети, икки ярим миллионта касаба союз группаси бор. Бу — катта куч. Ана шу куч беш йиллик планларни бажариш учун, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва унинг барча сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун курашнинг олдинги маррасида ҳаракат қилмоқда. Бу куч ҳамма меҳнат коллективларида, яъни сиёсат ва экономика деган салмоқдор тушунчалар практика тилига ўтказилаётган жойларда, одамларнинг ҳаётга, жамиятга бўлган муносабати кўп жиҳатдан шаклланаётган жойларда ҳаракат қилмоқда.

Инсон учун ўзи ишлаб турган коллектив ўзига хос уй, оила ва мактабдир. Айни шу коллективда профессионал тажриба, маҳорат, виждонан меҳнат қилиш одати авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Айни шу коллективда кўнгил кўнгилдан сув ичар, деганларидек, коммунистик ғоявийлик, партия ишига садоқат, ҳамиша олдинда, энг қийин, ҳал қилувчи соҳаларда бўлишга тайёрлик фазилатлари ёшларга сингдирилади.

Меҳнат коллективини касаба союз группасисиз, профком, ёки завкомсиз тасаввур этиб бўлмайди. Миллион-миллион касаба союз активлари, ана шу серғайрат ва ташаббускор кишилар ҳар бир меҳнатчига, ҳар бир оилага ихтиёрий равишда беғараз эзгулик, меҳрибонлик ва ёрдам бахш этади. Жамоатчи ходимларнинг ана шу машаққатли, аммо ғоят фойдали меҳнати ҳамиша яхши тушунган ҳолда ва миннатдорчилик билан кутиб олинадиган бўлсин.

Яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман, ўртоқлар. Ўйлайманки, партиянинг самарадорлик ва сифат соҳасидаги йўли бутун жамоат ишимизнинг, шу жумладан касаба союз ишининг ҳам услубига бевосита дахлдордир. Тадбирларнинг миқдорини кўпайтириш кетидан қувиш керак эмас. Келинглар, бир ўйлаб кўрайлик, биз ҳаддан ташқари кўп ва ҳаддан ташқари чўзиладиган мажлислар ўтказаётганимиз йўқмикин? Биз турли-туман қоғозлар — фармойишлар, қарорлар, йўл-йўриқларни ҳаддан ташқари кўпайтириб, баъзан: бу қоғозлар ҳаётнинг ўзида қандай ўзгартишларга сабаб бўлаётганлигини текширишни унутиб қўяётганимиз йўқмикин? Жамоат ишига қоғозларнинг миқдорига, мажлисларнинг сони ва қанча вақт давом этганлигига қараб эмас, балки аниқ сиёсий йўналишига, ишчанлигига, амалий натижаларига қараб — ана шу мезонларга қараб баҳо бериш мумкин ва лозим.

Ўртоқлар! Совет касаба союзлари ихтиёрида каттагина моддий база ва салмоқли пул ресурслари бор.

Ҳозирги вақтда партия XXV съезди қарорларига биноан, ишлаб чиқаришдаги касаба союзлари структураси жиддий равишда қайта қурилмоқда, уларнинг фаолият формалари ва методлари такомиллаштирилмоқда. Бу нарса касаба союзлари ишига ижобий таъсир қилиши шубҳасиз.

Касаба союзларининг ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқарадиган иш формалари ва воситалари жуда кўп — ишчилар йиғилишлари, доимий ишлаб чиқариш кенгашлари, коллектив шартномалар шулар жумласига киради. Касаба союзлари қонун чиқариш ташаббусини бошлаш ҳуқуқига эгадирлар. Хуллас, касаба союзларининг ҳуқуқлари ва имкониятлари кўп. Улардан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш муҳимдир.

Ўртоқлар, касаба союзларининг хўжалик ходимлари, маъмуриятлар олдига қўядиган ҳамма адолатли талабларини партия шак-шубҳасиз қўллаб-қувватлайди, деб сизларни ишонтираман. Бу ерда «адолатли талабларни» сўзларига эътибор берингиз.

Делегат ўртоқлар! Бизнинг давримиз — меҳнат аҳлининг жаҳоншумул-тарихий роли муттасил юксалиб бораётган даврдир. Ҳамма жойдаги меҳнаткашлар тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун, миллий-озодлик ва социал тараққиёт учун курашнинг олдинги сафида бормоқдалар. Улар цивилизация тақдирини ўз қўлларига олмоқдалар. Бу — ишончли, бақувват қўллардир!

Ишчилар ва касаба союз ҳаракатида содир бўлаётган силжишларнинг умумий йўналишига партиямиз ўзининг сўнгги съездларида баҳо берди. Биз ишчилар ҳаракати ижтимоий тараққиётнинг тобора муҳим омили бўлиб қолмоқда, деган фикрга асосланиб келдик ва асосланмоқдамиз. Шу билан бирга, унинг тарих олдидаги масъулияти тобора кўпроқ кучаймоқда. Бу эса жаҳон меҳнат армиясининг бирлигини — социал тараққиёт учун курашдаги, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашдаги бирликни янада мустаҳкамлаш зарур, деган маънони билдиради.

Касаба союзларининг XVI съездига ер юзининг ҳамма бурчакларидан делегациялар келганлиги — пролетар бирдамлиги шиори ҳаётийлигининг ажойиб намойишидир, турли мамлакатларда бу шиорнинг аҳамияти яхши англанаётганлигининг далилидир. Чет эллик барча меҳмонларни қизғин табриклашга ижозат бергайсизлар!

Ҳозир ишчилар ҳаракатидаги турли оқимлар ўртасида ҳам миллий, ҳам халқаро соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келаётганлигига аминмиз. Турли йўналишдаги касаба союзлари ўртасида ҳам алоқалар тобора мунтазам бўлиб қолмоқда, уларнинг бошқа ижтимоий кучлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиши кучаймоқда.

Биз энг катта халқаро касаба союз марказлари — жаҳон касаба союз федерацияси, халқаро эркин касаба союзлари конфедерацияси ва жаҳон меҳнат конфедерацияси ўртасида умумий позицияларни қидириб топишга ва ҳамкорликни йўлга қўйишга кўмаклашадиган ҳар қандай тадбирларни табриклаймиз.

Халқаро касаба союз ҳаракатида бирликка эришиш — гарчи узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлса ҳам, бу жараён ривожланиш йўлидан давом эта беришига аминмиз. Ҳар ҳолда совет касаба союзлари айни шу истиқболни кўзлаб ишлаб келди ва ишлайберади.

Ташқи сиёсат масалаларига ўтиб, партиямиз билан Совет давлатининг халқаро майдондаги бутун иши — зўр ғайрат билан олиб борилаётган катта иш тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун бундан буёнги курашнинг XXV съезд қабул қилган программасида белгилаб берилганлиги ва белгиланаётганлигини таъкидлашни истайман. Шу программанинг ўзи бир йилга мўлжалланмаганлиги равшан. Бироқ, бир йилнинг ўзида ҳам бир талай иш қилиб қўйилди.

Бу гап биринчи галда қардош социалистик давлатлар бирлигини мустаҳкамлашга, уларнинг ҳар тарафлама ҳамкорлигини чуқурлаштиришга тааллуқлидир.

Социалистик мамлакатларнинг раҳбарлари ўртасидаги алоқалар ва мулоқотлар тобора интенсив бўлиб бормоқда. Қардош партияларнинг раҳбарлари КПСС XXV съездидан кейинги вақт ичида Қримдаги суҳбатларни айтмаганда ҳам, Берлин, Бухарест, Москвада уч марта учрашдилар. Софияда Марказий Комитетлар секретарларининг халқаро ва идеология масалаларига бағишланган навбатдаги, тўртинчи учрашуви яқиндагина ўтказилди. Марказий Комитетлар секретарларининг ташкилий-партиявий ишга бағишланган кенгаши. Варшава Шартномаси мамлакатлари ташқи ишлар министрлари комитетининг биринчи мажлиси ўтказилади.

Владимир Ильич Ленин биздан олис 1914 йилда, дунё империалистик уруш гирдобига тушган, адоват ва нафрат сабабли парчаланган бир пайтда келажакни ўйлаб бундай деб ёзган эди: «Социалистик ҳаракат инсоният ҳаётининг янги, олий формаларини ижод қиладики, бу вақтда **ҳар қандай** миллат меҳнаткаш оммасининг қонуний эҳтиёжлари ва прогрессив интилишлари, биринчи марта... интернационал бирликни туғдириш йўли билан қондирилади». (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 26-том, 42-бет).

Ҳозир бу иш социалистик давлатлар катта аҳил тенг ҳуқуқли оиласининг реал практикаси бўлиб қолди. Партия, совет ва хўжалик организмимизнинг марказий раҳбар органларигина эмас, шу билан бирга, аслида ҳамма бўғинлари ҳам, шунингдек жамоат ташкилотларининг жуда кенг тармоғи, шу жумладан, албатта, мамлакатимиз касаба союзлари ҳам қардош мамлакатлар ҳамкорлигини ривожлантириш соҳасидаги кенг қамровли ишда қатнашмоқдалар.

Ҳозир юзлаб, минглаб совет кишилари қардош мамлакатларда ишлаб, халқ хўжалигининг энг муҳим объектларини, масалан, Польшадаги азим «Катовице» металлургия комбинатини барпо этишда дўстларимизга ёрдам бермоқдалар. Бизнинг мамлакатимизда ҳам қардош мамлакатлардан келган кўпгина ишчилар ва мутахассислар меҳнат қилишмоқда. Социалистик мамлакатлар биргаликда қураётган Оренбург — СССР ғарбий чегараси газ қувури бултур бир минг икки юз километр олға силжиди. Бу — ўн беш минг кишилик қурувчилар интернационал коллективининг катта муваффақияти бўлди. Биз биргаликда барпо этаётган Европадаги энг катта магистрал ишга тушадиган кун узоқ эмас.

Кубадаги никель индустриясини ривожлантиришда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган ҳамма мамлакатлар иштирок этмоқдалар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг атом электр станциялари учун асбоб-ускуна ишлаб чиқариш соҳасида бошланаётган ихтисослашуви ва кооперацияси жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Биз ҳаммамиз бу ишларга одатланиб қолдик, уларни мутлақо табиий бир ҳол деб ҳисоблаймиз. Бу эса — жуда соз. Мустаҳкам ҳамкорлик онгимизнинг, бутун ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб қолаётганлиги — жуда яхши.

Халқ Венгриясининг шонли корхонаси — «Қизил Чепель» коллективи яқинда бошлаган ажойиб ташаббус — социалистик мамлакатларнинг халқларини бирлаштириб турган қардошлик муносабатлари нақадар чуқур, ҳаётбахш илдиз отганлигидан дарак беради. Чепелликлар Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кучайтирдилар ва Совет Иттифоқига маҳсулот экспорт қилиш топшириғини барвақт бажариш юзасидан ўз зиммаларига конкрет мажбурият олдилар. Болгария ва Германия Демократик Республикасининг, Польша ва Чехословакиянинг ишчилари ҳам ана шундай ташаббуслар билан майдонга чиқдилар.

Шу съезд минбарида туриб, Октябрь иши билан, бизнинг мамлакатимиз билан, бизнинг коммунистик ишимиз билан шу қадар амалий ва завқли бирдамлик туйғусини намойиш қилганликлари учун қардош мамлакатларнинг меҳнаткашларига астойдил миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар. Совет ишчилар синфи, барча совет меҳнаткашлари ўзларининг чет эллик ўртоқлари бошлаган олийжаноб ташаббусларга муносиб жавоб қайтарадилар, коммунизм қурилишида, мустаҳкам ҳамкорлигимизни ривожлантиришда янги ишлар билан жавоб берадилар, десам ҳамманинг фикрини изҳор этган бўламан, деб ўйлайман.

Ўртоқлар, тузукроқ ўйлаб кўрсак, умуман олганда сифат жиҳатидан янги ҳодиса — ягона мақсаддан илҳом олган миллион-миллион янги дунё қурувчиларининг интернационал ҳаракати бошланганлигини кўрамиз. Бу ташаббуснинг аҳамияти жуда зўр, унинг келажаги катта.

Биз ва социалистик иттифоқчиларимиз ўз ташқи сиёсатимизда ленинча тинчлик йўлидан қатъият билан бормоқдамиз. Социализм мамлакатлари мустамлакачилик зулмидан халос бўлган мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириб ва чуқурлаштириб, имкони бўлган жойларда буржуа давлатларнинг реалистик фикрдаги доиралари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, жаҳондаги сиёсий иқлимни яхшилаш йўлида конкрет ташаббусларни ўртага қўймоқдалар. Варшава шартномасининг қатнашчилари ўзларининг Сиёсий Маслаҳат комитети ноябрь кенгашида ана шундай таклифлар билан чиқдилар. Социалистик ҳамдўстликнинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги изчил курашини Европа ва халқаро жамоатчилик кенг кўламда тушуниб кутиб олмоқда.

Капитализм дунёсида конструктив халқаро музокараларга раҳна солишдан манфаатдор бўлган нуфузли сиёсий доиралар ҳали ҳам бор. Эски дунёнинг реакцион кучлари янгиликнинг ўсиши ва мустаҳкамланишига асло чидай олмаяптилар.

(Давоми учинчи бетда).



Тошкент аэропортида Н. В. Подгорнийни кутиб олиш.

А. Авазов фотоси (ЎзТАГ).

Н. В. ПОДГОРНИЙ ТОШКЕНТДА

Танзания президенти Ж. Ньреренинг таклифига биноан расмий визит билан Бирлашган Танзания Республикасига бораётган СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 21 март куни Тошкентда тўхтаб ўтди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, СССР Денгиз флоти министри Т. Б. Гуженко, СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, армия генерали С. Л. Соколов, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев, СССР ташқи савдо министрининг ўринбосари Н. Н. Смеляков, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитети раисининг ўринбосари И. И. Чернишев Н. В. Подгорний билан бирга келишди.

Аэропортда Н. В. Подгорнийни ва унга ҳамроҳ бўлган расмий кишиларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Э. Б. Нордман кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов «СССР — Италия» жамиятининг таклифига биноан депутатлар палатаси раисининг ўринбосари, «Италия — СССР» жамияти президиумининг аъзоси Роньени Виржинио бошчилигида Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Италия парламент аъзолари делегациясини 21 март куни қабул қилди.

Дўстона суҳбат чоғида меҳмонлар экономика ва маданиятни ривожлантиришда республика эришган ютуқлар билан, Ўзбекистон ССР Олий Советининг фаолияти билан таништирилди.

(ЎзТАГ).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

(Боши 1 ва 2-betларда).

Масалан, улар Африка ва Осиёда мустамлакачилик зулмидан халос бўлган давлатларнинг эркин, мустақил сиёсати ва прогрессив ривожига кўникишни асло хоҳламаяптилар. Зайрдаги ички қарбий можарога НАТО мамлакатларининг аралашуви ва Ангола Халқ Республикасига қарши яна тухмат кампанияси бошланганлиги — буниинг сўнгги мисолларидир. Разилона қотилликлар ҳам бундан далолат беради. Яқинда миллий озодлик курашининг таниқли раҳбарлари — Конго Халқ Республикасининг президенти Мариан Нгуаби ва Ливан Прогрессив социалистик партиясининг раиси Камол Жумблат шу қотилликлар қурбони бўлдилар. Совет кишилари бу қотилликларни ғазаб билан қоралайдилар.

Социализм дунёсига қарши «операциялар» ҳам зўр бериб ўтказилмоқда. Социалистик ҳамдўстлик қатнашчиларининг бирлигига турли йўсинда путур етказиб, бу ҳамдўстликни заифлаштиришга уриниб кўрмоқдалар. Социалистик тузумни бўшаштиришга уриниб кўрмоқдалар.

Душманларимиз социализмга қарши чиқадиган бирон-бир кучларни мамлакатларимиз ичидан топмоқчи бўладилар. Шундай кучларни тополмагач эса, (чунки социалистик жамиятда эксплуатация қилинадиган маълум синфлар ҳам, эксплуатация қилинадиган маълум миллатлар ҳам йўқ), сохта реклама йўли билан социалистик мамлакатларда қандайдир «ички оппозиция» бор, деган таассуротни туғдирмоқчи бўладилар. Шундай кучларни тополмагач эса, (чунки социалистик жамиятда эксплуатация қилинадиган маълум синфлар ҳам, эксплуатация қилинадиган маълум миллатлар ҳам йўқ), сохта реклама йўли билан социалистик мамлакатларда қандайдир «ички оппозиция» бор, деган таассуротни туғдирмоқчи бўладилар. Шундай кучларни тополмагач эса, (чунки социалистик жамиятда эксплуатация қилинадиган маълум синфлар ҳам, эксплуатация қилинадиган маълум миллатлар ҳам йўқ), сохта реклама йўли билан социалистик мамлакатларда қандайдир «ички оппозиция» бор, деган таассуротни туғдирмоқчи бўладилар. Шундай кучларни тополмагач эса, (чунки социалистик жамиятда эксплуатация қилинадиган маълум синфлар ҳам, эксплуатация қилинадиган маълум миллатлар ҳам йўқ), сохта реклама йўли билан социалистик мамлакатларда қандайдир «ички оппозиция» бор, деган таассуротни туғдирмоқчи бўладилар. Шундай кучларни тополмагач эса, (чунки социалистик жамиятда эксплуатация қилинадиган маълум синфлар ҳам, эксплуатация қилинадиган маълум миллатлар ҳам йўқ), сохта реклама йўли билан социалистик мамлакатларда қандайдир «ички оппозиция» бор, деган таассуротни туғдирмоқчи бўладилар. Шундай кучларни тополмагач эса, (чунки социалистик жамиятда эксплуатация қилинадиган маълум синфлар ҳам, эксплуатация қилинадиган маълум миллатлар ҳам йўқ), сохта реклама йўли билан социалистик мамлакатларда қандайдир «ички оппозиция» бор, деган таассуротни туғдирмоқчи бўладилар. Шундай кучларни тополмагач эса, (чунки социалистик жамиятда эксплуатация қилинадиган маълум синфлар ҳам, эксплуатация қилинадиган маълум миллатлар ҳам йўқ), сохта реклама йўли билан социалистик мамлакатларда қандайдир «ички оппозиция» бор, деган таассуротни туғдирмоқчи бўладилар. Шундай кучларни тополмагач эса, (чунки социалистик жамиятда эксплуатация қилинадиган маълум синфлар ҳам, эксплуатация қилинадиган маълум миллатлар ҳам йўқ), сохта реклама йўли билан социалистик мамлакатларда қандайдир «ички оппозиция» бор, деган таассуротни туғдирмоқчи бўладилар. Шундай кучларни тополмагач эса, (чунки социалистик жамиятда эксплуатация қилинадиган маълум синфлар ҳам, эксплуатация қилинадиган маълум миллатлар ҳам йўқ), сохта реклама йўли билан социалистик мамлакатларда қандайдир «ички оппозиция» бор, деган таассуротни туғдирмоқчи бўладилар. Шундай кучларни тополмагач эса, (чунки социалистик жамиятда эксплуатация қилинадиган маълум синфлар ҳам, эксплуатация қилинадиган маълум миллатлар ҳам йўқ), сохта реклама йўли билан социалистик мамлакатларда қандайдир «ички оппозиция» бор, деган таассуротни туғдирмоқчи бўладилар. Ҳудди шу важдан социализм мамлакатларида «бошқача фикрдаги кишилар бор» деган гап теварагида шовқин—сурон ташкил қилмоқдалар, «нисон ҳуқуқлари бузилмоқда» деб бутун дунёга айюҳаннос солмоқдалар.

Бу хусусда нима деса бўлади? Бизнинг мамлакатимизда кўпчиликдан «бошқача фикрлаш», ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳаларини танқидий баҳолаш — қойилмайди. Асосли танқид қилиб, ишга ёрдам беришга интилган ўртоқларга биз виждонли танқидчилар деб қарймиз ва улардан миннатдор бўламиз. Хато танқид қилаётган кишиларни адашган кишилар деб биламиз.

Бизнинг жамиятимиздан ажралиб қолган бир неча шахс социалистик тузумга қарши актив ҳаракат қилаётган бўлса, советларга қарши фаолият йўлига ўтган, қонунларни бузаётган бўлса ва мамлакат ичкарисида таянч тополмай, ёрдам сўраб чет элларга, империалистларнинг қўпорувчилик марказларига — пропагандистик ва жосуслик марказларига мурожаат қилаётган бўлса, бу бошқа гап. Халқ ана шундай нотовон арбобларни социализм душманлари деб, ўз ватанига қарши иш қилаётган кишилар деб, империализмнинг гумашталари ва ҳатто агентлари деб билиб, улар билан шунга яраша муомала қилишимиз талаб этмоқда. Табиийки, биз уларга нисбатан қонунимизда кўзда тутилган чораларни кўраяпмиз ва кўра берамиз.

Модомики шундай экан, ҳеч ким бизнан хафа бўлмасин: 260 миллион совет кишисининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва хавфсизлигини таъминлаш — бизнинг ҳуқуқимизгина эмас, муқаддас бурчимиз ҳамдир. Ленин партияси раҳбарлигида 60 йил муқаддам социализм ва коммунизм қуриш йўлига кирган халқ олдидаги, социалистик Ватанни, ўзининг хоҳлаганича яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиб, фашист агрессорларга қарши, айни халқлар озодлиги ва ҳуқуқлари учун олиб борилган улуғ урушда 20 миллион фарзандидан жудо бўлган ва ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайдиган халқ олдидаги бурчимиздир!

Совет Иттифоқига келганда эса, гарчи биз капитализм дунёсида ҳукм сураётган тартиблар тўғрисида, албатта, ўзимизнинг мутлақо муайян фикримиз бўлса ҳам ва бу фикримизни яширмаймиз ҳам, аммо бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаймиз. Биз капиталистик давлатлар билан муносабатларни КПСС XXV съезди қарорларига тўла мувофиқ равишда, турли соҳалардаги узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликни ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзда тутган ҳолда қуришга интиляпмиз.

Ҳозир бу соҳадаги ишлар қай аҳволда эканлиги тўғрисида бироз тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало Совет — Америка муносабатлари тўғрисида. Биз бу муносабатларни жиддий тарзда ривожлантиришга ҳамиша катта аҳамият бериб келдик ва ҳозир ҳам катта аҳамият бераяпмиз. Ҳозирги вақтда бу соҳадаги иш, таъбир жоиз бўлса уч асосий омил билан белгиланади. Биринчиси — 1972—1974 йилларда турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида тузилган муҳим шартномалар ва битимлар тарзидаги салмоқли базадир. Иккинчиси — муайян турғунлик ҳолатидир. Америка томони аввал бошда бунга Қўшма Штатлардаги сайловолди кампаниясини важ қилиб кўрсатди, аммо янги маъмурият Вашингтондаги ҳокимият тепасига келгандан бери ўтган дастлабки икки ой бу турғунликни бартараф этишга интилишни кўрсатмаяпти. Ниҳоят, учинчи омил—иккала мамлакат ва ялпи тинчлик манфаатларини кўзлаб турли соҳалардаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун бўлган катта объектив имкониятларнинг мавжудлигидир.

Шу муносабат билан бизнинг назаримизда мутлақо реал бўлган баъзи бир конкрет вазифаларни эслатиб ўтаман. Бу, биринчидан, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида 1974 йилда асосан келишиб олинган битимни тайёрлашни ниҳоясига етказиш ва имзолаш ҳамда шу асосда томонларнинг тенглиги ва баб-баравар хавфсизлиги принципига қатъий риоя қилиб, қуроль-яроғларни ўзаро қисқартириш йўлида яна олға силжишдан иборат. Сўнгра, бу СССР билан АҚШнинг кимиявий қуролнинг энг хатарли ажал келтирувчи турларини тақиқлаш ва тугатиш соҳасида эҳтимол тутилган биргаликдаги ташаббусларидан ҳамда қуролланиш пойгасини жиловлайдиган ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлайдиган бошқа тадбирлардан иборат. АҚШ вужудга келтирган камситиш тўсиқларини бартараф этиш, ва шу масалалар юзасидан алақачонлар имзоланган битимларни кучга киритиш асосида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни кенг миқёсда ривожлантириш ҳам конкрет ва мутлақо реал вазифадир.

Биз — ана шу имкониятларнинг ҳаммасидан актив фойдаланиш тарафдоримиз.

Бироқ, Совет—Америка муносабатларини янада яхшилаш ва ривожлантиришга тўғридан-тўғри қаршилик қилаётган ҳолатлар ҳам бор. СССР томонидан «уруш хавфи бор» деган сохта ғаз хусусида кучайтириб юборилган туҳмат кампанияси ана шундай ҳолатларнинг биридир. Яқинда бу ҳақда гапириб ўтган эдим. Иккинчи бир ҳолат эса Америкадаги расмий муассасаларнинг Совет Иттифоқи ички ишларига аралашиш йўлидаги бевосита уринишларидир.

Ҳолбуки, Вашингтоннинг бошқаларни қандай яшашга ўргатиш хусусидаги даъволарини бирон-бир суверен давлат қабул қилиши мумкин эмас, деб ўйлайман. Бу ўринда АҚШнинг ўзидаги ишларнинг аҳволи ҳам, унинг ташқи дунёдаги ҳаракатлари ва сиёсати ҳам бундай даъво қилиш учун ҳеч қандай асос бермаслиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Такрор айтаман: бирон-бир томоннинг ҳар қандай важ билан бизнинг ички ишларимизга аралашувига тоқат қилмаймиз. Бундай асосда муносабатларни нормал ривожлантиришни ҳаёл қилиб ҳам бўлмайди, албатта.

Совет Иттифоқи ўзининг суверен ҳуқуқларини, ўзининг иззат-нафсини ва ўзининг манфаатларини ҳамиша қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келди ва қатъият билан ҳимоя қила беради. Шу билан бирга, биз бошқа томоннинг конструктив, реалистик ишини ҳамиша тушуниш билан кутиб оламиз ва бир битимга келишга тайёрмиз.

АҚШ давлат секретари Вэнс жаноблари музокаралар ўтказиш учун яқинда Москвага келади. Кўрайлик-чи, у қандай таклиф билан келаркин. Совет — Америка муносабатларининг бундан буёнги ривожи қай йўлдан бориши муҳимлигини ҳамма тушунади, албатта. Бу муносабатлар яхши қўшничилик муносабатлари бўлишини истардик. Аммо бунинг учун муайян даражадаги ҳамжиҳатлик ва лоақал бир оз бўлсада, ўзаро **боодоблик** зарур.

Иккала мамлакатимиз халқларининг манфаатлари ва ялпи тинчликни сақлаш манфатлари ўзига йўл очиб боришига ва бир кунмас — бир кун СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар яхши йўлга тушиб кетишига ишончимиз комил, албатта. Ҳамма гап бу ишонч **қачон** рўёбга чиқишида, кўпдан-кўп фойдали иш қилиниши мумкин бўлган қанча вақт зое ўтишида қолган.

Ғарбий Европа мамлакатлари билан бизнинг муносабатларимиз тўғрисида гапириладиган бўлса, бу муносабатлар умуман дуруст ривожланмоқда. Вир вақтлар СССР билан Франция, таъбир жоиз бўлса, кескинликни юмшатиш кашшофлари бўлган эдилар, уларнинг ўзаро муносабатларини «мақбул» деб атар эдилар. Бу ибора маълум даражада ҳозир ҳам тўғри: биз экономика ва маданият соҳасида яхши алоқа боғлаб турибмиз. Биз баъзи бир ташқи сиёсий масалаларда ҳам ҳамкорлик қилаяпмиз. Франция, ГФР, Италия, Буюк Британия раҳбарлари кескинликни юмшатиш сиёсатини, тинч-тотув яшаш сиёсатини қўллаб-қувватлаётганликлари факти Совет Иттифоқида қадрланмоқда. СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатлар соҳасида кўп иш қилиниши мумкин ва лозим, деган фикрдамиз. Пировардига етказилса мақбул бўладиган баъзи бир ишлар бошлаб ҳам қўйилган. Маълумки, бу йил мен Францияга ва ГФРга визит қилишим лозим. Бўлажак музокаралар шу мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришнинг янги воситалари бўлишидан умидворимиз.

СССР билан Испаниянинг муносабатлари яқинда қайта тикланганлиги Европанинг сиёсий ҳаётида сезиларли воқеа бўлди. Шу мамлакат билан кейинги вақтларда асосан иқтисодий ишларда дуруст ҳамкорлик ўрнатдик. Энди муносабатларимиз янада ривожланади, деб ўйламоқ керак. Биз Испаниядаги сиёсий ҳаётни демократлаштириш жараёнини қизиқиб кузатиб турибмиз ва испан халқига бу йўлда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Ўртоқлар! 35 мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи актига имзо чеккан кундан бери орадан йигирма ой вақт ўтди. Шу давр мобайнида Европадаги тинчлик мустаҳкамланди, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий ҳамда бошқа алоқалар ва ҳамкорлик сезиларли равишда ривожланди. Биз, Совет Иттифоқида буни табриклаймиз. Биз кескинликни юмшатишни давом эттириш тарафдоримиз. Биз бунга бутун чоралар билан кўмакларша берамиз, чунки халқларнинг манфаатлари шуни талаб қилади.

Ҳозир Умумевропа кенгашида қатнашган мамлакатларда Белград учрашувига — шу мамлакатлар вакилларининг Хельсинки кенгашидан кейинги биринчи коллектив учрашувига тайёргарлик ишлари қизғин тус олди. Ўз томонимиздан биз Белградда суверен музокарадошлар амалий равишда конструктив гаплашиб олишларини истаймиз. Хельсинкидаги кенгаш Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш деб аталганлиги маълум. Шу боисдан ҳам биз Белград учрашувининг асосий мазмуни Европада тинчлик ва хавфсизлик тўғрисидаги, Европа халқлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги гамхўрликдан иборат бўлиб қолиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Қилинган ишларни шунчаки жамлаш билангина чекланмасдан, бундан буёнги ҳамкорлик масалаларн хусусидаги баъзи бир конкрет тавсиялар ва таклифлар тўғрисида шартлашиб олиш ҳам лозим — биз Югославия пойтахтидаги учрашувнинг асосий базифаларини ана шундай тасаввур қиламиз.

Яқин Шарқ — эътиборни ўзига ҳам тортиб турган бошқа бир районидир. Кейинги ҳафталарда бу ерда дипломатия соҳасидаги активлик бирмунча кучайганлиги кўриниб турибди. Чамаси, Женева конференцияси ишини қайтадан бошлаш астасекин тобора реал бир ишга айланиб қолмоқда. Воқеаларнинг шу зайлда боришини фақат табриклаш мумкин, албатта.

Аммо, Женевада конференция ўтказишнинг ўзи билангина мушкул осон бўлиб қолмайди, албатта. Асосий мақсад конференциянинг ишида самарали ва одилона натижаларга эришишдир. Ўз-ўзидан равшанки, сулҳ шартларини икир-чикирлари билан батафсил ишлаб чиқиш — Ватанимиз бахт-саодати, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик иши манфаатлари йўлидаги, коммунистик тантанаси йўлидаги самарали фаолиятида Леонид Ильич Брежневга жамики меҳнат аҳлининг қувончи ва бахтига чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик, битмас-туганмас куч-ғайрат, янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз!

Ватанимиз касаба союзларининг XVI съезди, деди сўнгра А. И. Шибаев, шонли бир пайтда тўпланди. Бу йил дунёда биринчи зафарли социалистик революцияга олтмиш йил тўлади. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик қурилишнинг КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор планларини амалга оширмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездидаги докладида, унинг КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленумидаги нутқида партиянинг яқин йилларгагина эмас, анча олис истиқболга ҳам мўлжалланган социал-иқтисодий стратегияси ғоят атрофлича таърифланган эди. Партия билан бирга улар граждан-лар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида ёш Совет республикасини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Партия билан бирга улар социалистик индустрияни, социалистик қишлоқ хўжалигини барпо этиш учун, янги социалистик маданият учун курашди. Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида совет касаба союзлари ғалабага замин яратишга актив кўмаклашди. Партия билан бирга улар халқ хўжалигини қайта тиклашда, социалистик қурилишни, сўнгра эса коммунистик қурилишни ҳам янада авж олдиришда жуда бевосита қатнашди.

Совет касаба союзлари меҳнаткашларнинг манфаатлари учун курашдаги фидокорликни, омманинг фикрига қулоқ солиш санъатини Ленин партиясидан ўрганди ва ўрганмоқда, деб таъкидлади докладда. Касаба союзлар маркса-ленинча идеалларни амалга ошириш учун курашдаги изчилликни Ленин партиясидан ўрганди ва ўрганмоқда.

Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин ўтган 60 йил мобайнида мамлакатимиз асрларга тенг йўлни босиб ўтди. Кейинги ўн йил бунёдкорлик ишининг айниқса кенг кўлами билан, мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш вазифалари комплекс ҳал этилиши билан, коммунистик қурилиш соҳасида ҳам, ер юзида мустаҳкам тинчлик учун курашда ҳам эришган зафарлар билан алоҳида ажралиб туради.

Бу зафарлар, деди А. И. Шибаев, ленинчи Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети ҳозирги замоннинг атоқли давлат ва сиёсат арбоби содиқ марксчи-ленинчи, тинчлик ва коммунизм иши учун толмас курашчи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ Марказий Комитет Сиёсий бюросининг баҳодирона революцион-ўзгартувчилик фаолияти билан боғлиқдир.

(Давоми тўртинчи бетда).

Ўртоқлар, ҳаммангизга ва сизларни ана шу съездга делегат қилиб юборганларга меҳнатда катта муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ҳамда яхши жанговар кайфият тилаймаи!

(Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

Ҳозир бўлганлар нутқининг якунловчи сўзларини узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Съезд қатнашчилари ва меҳмонлар Ўртоқ Л. И. Брежневни ўриндиқларидан туриб табриклайдилар).

ВЦСПСнинг иши тўғрисида ҳисобот ва КПСС XXV съезди қарорлари асосида СССР касаба союзларининг вазифалари

ВЦСПС раиси А. И. ШИБАЕВ доклади

ВЦСПСНИНГ ИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ ВА КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

(Боши 3-бетда).

Ҳисобот даври, деб таъкидлади докладчи, совет касаба союзлари тарихига КПСС XXIV ва XXV съездларида мамлакатни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш, меҳнаткашларнинг кучларини тўққизинчи ва ўнинчи беш йиллик план-топшириқларини бажаришга сафарбар қилиш юзасидан ишлаб чиққан партия сиёсатини амалга ошириш учун курашда актив қатнашиш даври бўлиб киради.

Партиянинг ўнинчи беш йилликни самарадорлик ва сифат беш йиллигига айлантириш тўғрисидаги мурожаатига жавобан, совет касаба союзлари бу даъват муваффақиятли равишда рўёбга чиқиши учун зарур бўлган ҳамма тадбирларни кўрмоқда.

Касаба союз ташкилотлари асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш ва яхшилаш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилишлари лозим. Вазифа шундан иборатки, ҳамма корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозларда ҳар бир станок, машина ва агрегатнинг максимал самарадорлиги таъминлансин, асбоб-ускуналарнинг бекор туриб қолишига йўл қўйилмасин, фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари асосида яратилаётган янги ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш жадаллаштирилсин.

Шундан кейин докладчи илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик муассасаларидаги касаба союзлари олдида турган масъулиятли вазифаларга тўхталди. Ўртоқ Л. И. Брежнев социалистик мамлакатлар Фанлар академияларининг раҳбарлари билан учрашувда сўзлаган нутқида фундаментал фанларни ривожлантиришни ҳар томонлама рағбатлантириш билан бирга, амалий тадқиқотларни ҳам у билан бирга узвий равишда боғлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, илмий кашфиётларни халқ хўжалигига жорий этишни тезлаштириш зарурлигини таъкидлади. Шу кўрсатмалар асосида касаба союзлари Марказий Комитетлари ва советларининг, илмий-техника жамиятларининг амалий фаолияти, уларнинг диққат эътибори фан билан ишлаб чиқариш алоқасини чуқурлаштиришга, институтлар билан корхоналар ўртасида ижодий ҳамдўстлик тўғрисида шартномалар тузишга, ижодий планлар асосида инженер-техник ва илмий ходимлар мусобақасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Маҳсулот сифатини янада ошириш партия ўртага қўйган энг муҳим вазифаларнинг биридир. Маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши жуда кўп меҳнат ресурслари ва моддий ресурсларни ғоят кўплаб тежаб қолишни таъминлайди, катта социал-иқтисодий аҳамиятга эга бўлади. Кўпгина коллективлар бу соҳада катта муваффақиятларга эришди. Улар орасида, жумладан, Лихачев номидаги Москва автозаводи, Бокудаги «Азэлектросвет» заводи, пойтахтдаги «Красный пролетарий» заводи, Минск трактор бирлашмаси бор.

Шу билан бирга баъзи корхоналар сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар, шундай корхоналар борки, улар ҳатто эришилган даражани ҳам пасайтириб юбормоқдалар. Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарганлиги учун хўжалик раҳбарлари билан бир қаторда касаба союз комитетлари ҳам жавобгардирлар. Касаба союзларининг баъзи Марказий Комитетлари ва советлари маҳсулот сифатини яхшилаш масалалари билан ҳали ҳам кам шуғулланмоқдалар, шу масалалар юзасидан қабул қилинадиган қарорларни зарур ташкилотчилик иши билан мустаҳкамламайдилар.

Диққат-эътибор иш сифатини бошқаришнинг комплекс системасини жорий этишга, ҳар бир иш жойида, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бутун технология занжирида бенуқсон ишлашни таъминлашга қаратилиши лозим. Маҳсулотни биринчи тақдим этишдаёқ топшириш учун, шахсий тамга билан ишлаш ҳуқуқига эга бўлиш учун бошланган ҳаракатни ривожлантириш ҳам муҳимдир.

Докладчи ана шу проблеманинг маънавий жиҳатини алоҳида таъкидлаб ўтди. Маҳсулот сифати — кўп жиҳатдан ишчилар онглилигининг мезонидир. Миллион-миллион совет меҳнатчилари юксак маҳоратни эгаллаб қолмай, шу билан бирга ўз ишининг сифати билан фахрланиш ҳисларини ҳам намоён этмоқдалар. Улар ёмон ишлолмайдилар: бу — ишчи инсон шаънига тўғри келмайди. Аъло сифатли ишлаш ҳар бир совет кишиси, ҳар бир меҳнат коллективи ишининг ажралмас нормаси бўлиб қолишига эришиш — касаба союзларининг бурчидир.

Халқ мулкини эҳтиёт қилиш, хом ашё, материал, ёқилғи, электр энергиясидан оқилона фойдаланиш, деб давом этди нотиқ, социалистик хўжалик юритишнинг тобора кўпроқ муҳим принципига айланмоқда. 1976 йилда тахминан 3 миллиард сўмлик хом ашё, материал, ёқилғи ва бошқа меҳнат буюмлари тежалди. Шунга қарамай, бизда ҳали ҳам хўжасизлик фактларига, бинокорлик материаллари, металл, ёқилғи, минерал ўғитларни нобуд қилишга кўпинча йўл қўйилмоқда.

Капитал қурилишни яхшилаш, деб давом этди А. И. Шибаев, хўжаликни ривожлантиришнинг туб проблемаларидан биридир. Хўжалик ва касаба союз ташкилотларидан қурилишга сарфланадиган капитал маблағларни, моддий ресурсларни концентрациялаш ва улардан самаралироқ фойдаланиш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш талаб этилади. Бригада пудрати методини қурилишда кенг жорий этиш катта аҳамиятга эгадир. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. А. Злобин ана шу методнинг ташаббускоридир.

Докладчи қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришни беш йилликнинг асосий проблемаларидан бири деб атади. Касаба союзлари қишлоқ касаба союз ташкилотларининг ташкилотчилик ишини яхшилаш йўли билан партия аграр йўлини муваффақиятли амалга оширишга актив ёрдамлашишлари лозим. Хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш жараёнига ҳар томонлама кўмаклашиш — касаба союзларининг бурчидир.

Сўнгра нотиқ КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг кўп талаб этиладиган буюмлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва сифатини ошириш тўғрисидаги қарори муносабати билан касаба союзлари олдида турган вазифаларни таърифлаб берди. Саноат барча тармоқлари касаба союзларининг Марказий Комитетлари, касаба союзларининг советлари хўжалик органлари билан биргаликда ана шу қарорни рўёбга чиқариш юзасидан конкрет тадбирларни амалга оширишлари лозим.

Ишлаб чиқаришни юксалтиришда, экономикани ривожлантиришда деб таъкидланади докладда, хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал қилишда касаба союзлари иштирокининг асосий методи сифатида социалистик мусобақа тобора катта роль ўйнамоқда.

КПСС Марказий Комитетининг мусобақа масалаларига оид қарорлари, стахановчилик ҳаракатининг 40 йиллиги кенг нишонланганлиги, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу ҳаракат ташаббускорлари билан бўлган учрашуви, мусобақа ғолиблари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети кўчма Қизил байроқларининг, СССР Давлат мукофотларининг, СССР Халқ Хўжалиги ютуқлари Виставкасида Бутуниттифоқ ҳурмат тахтасининг таъсис этилганлиги омманинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини ривожлантиришда ғоят катта аҳамиятга эга бўлди.

Касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақа ҳақиқатдан ҳам умумхалқ характерига эга бўлиши учун кўп иш қилдилар. Ҳозирги вақтда мусобақада 97,5 миллион киши қатнашмоқда. Бу эса 1972 йилдагидан 22,8 миллион киши кўпдир. Меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатида 57,8 миллион киши қатнашмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифати, техника тараққиёти учун кураш мусобақада асосий масала бўлиб қолди. Мусобақа янги формалар билан бойиди, ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш практикаси анча яхшиланди.

Миллион-миллион совет кишилари меҳнат қаҳрамонлиги намуналарини кўрсатмоқдалар. Улардан энг яхшилари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдилар. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаларини олдилар. Мусобақа пешқадамларидан 238 киши Давлат мукофотининг лауреатлари бўлди, кўплари СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

А. И. Шибаев меҳнатда ташаббус ва шижоат кўрсатганликлари учун барча илғорлар ва новаторларга съезд номидан, касаба союзлари номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этди, уларга умумхалқ мусобақаси байроғини бундан буён ҳам баланд кўтариб боришларини, меҳнатга чинакам коммунистик муносабатда бўлиш намунасини кўрсатишларини тилади.

Муқобил планлар асосида мусобақани авж олдириш муҳим аҳамиятга эгадир. Москва, Ленинград, Киев, Минск, Иваново, Харьков ва мамлакатдаги бошқа йирик саноат марказларидаги илғор меҳнат коллективларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, ана шундай планларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш вазифаларини комплекс ҳал этиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришни таъминлаш имконини беради. Шу билан бирга докладчи касаба союзларининг баъзи Марказий Комитетлари ва министрликлар муқобил планларни пухта ишлаб чиқишга етарли эътибор бермаётганликларини таъкидлаб ўтди.

Мусобақани ривожлантириш, барча ишлаб чиқариш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш кўп жиҳатдан илғор тажрибани пропаганда қилиш ва оммалаштириш ишининг қандай йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Масалан, Шчекино химия комбинатининг тажрибаси мамлакатимизда ва чет элларда яхши маълум. Бироқ Қора металлургия министрлигида, Рангли металлургия министрлигида, Энергетика ва электрлаштириш министрлигида, Станоксозлик саноати министрлигида, Асбобсозлик саноати министрлигида, Йўл қурилиши машинасозлиги министрлигида корхоналарнинг атиги 6 проценти яқини шу метод асосида ишламоқда.

Меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этиш касаба союзларнинг экономикани юксалтириш билан чамбарчас боғлиқ бўлган фаолиятидаги ғоят муҳим жиҳатдир. Бу — умуман социалистик демократия ривожланиб бораётган асосий йўналишлардан биридир.

Леонид Ильич Брежнев ўз нутқида таъкидлаб ўтганидек, касаба союзлари бутун сиёсий системамизда, социалистик демократияни ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқдалар. Касаба союзлари экономика соҳасида демократиянинг амалга оширилишини таъминловчи ташкилотлардан бири бўлиб, бу соҳада унга катта ҳуқуқ ва имкониятлар берилган. Касаба союзлари қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига эгадир. Касаба союзлари ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун ишчиларнинг йиғилишлари, доимо ишлайдиган ишлаб чиқариш кенгашлари, коллектив шартномалар, турли комиссиялар ва ижодий бирлашмалар сингари формаларга эга. Совет касаба союзлари экономиканинг, бутун ҳаётимизнинг туб масалаларини ҳал этишда меҳнаткашларнинг бевосита, ғоят актив иштирок этишини таъминлаш учун ана шу формалардан кенг фойдаланмоқда.

Ўтган беш йилликда доимо ишлайдиган ишлаб чиқариш кенгашлари хўжалик фаолиятини яхшилаш юзасидан 7 миллионга яқин таклиф киритди. Ишлаб чиқаришни, меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини такомиллаштиришга қаратилган икки миллиондан кўпроқ таклиф ҳар йили коллектив шартномаларга киритилмоқда.

Касаба союзларининг ташаббуси ва актив иштироки билан сўнгги йилларда меҳнаткашларнинг меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларини ва уларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилашга, атроф муҳитини муҳофаза қилишга қаратилган муҳим қонунлар, партия ва ҳукумат қарорлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Ана шулар социалистик демократия амалда эканлигини кўрсатиб турибди!— деди А. И. Шибаев.

Леонид Ильич Брежнев КПССнинг XXV съездида қилган докладида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Касаба союзлари ҳар бир меҳнаткашнинг манфаатларини ўз фаолиятларининг марказий вазифаси қилиб қўйганликлари учун ҳам ишлаб чиқаришни юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш уларнинг бурчидир».

Экономикани ўстириш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш негизида, деб сўзини давом эттирди нотиқ, халқнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжлари яхшироқ ва тўлароқ қондирилмоқда. Биз ифтихор билан шуни айта оламизки, Совет Иттифоқи жамиятни меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб энг адолатли тарзда ташкил этишнинг тарихий намунасини кўрсатди, капитализмга хос бўлган синфий ва миллий зулм, эксплуатация ва ишсизлик, қашшоқлик ва саводсизлик каби социал иллатлар абадий тугатилди. Совет кишиларининг реал даромадлари муттасил ортиб бормоқда.

Докладчи совет касаба союзлари жамиятимиз ҳаётидаги социал-иқтисодий ўзгаришларнинг актив қатнашчиси эканлигини таъкидлаб, ўнинчи беш йилликда социал тараққиёт ва халқ турмуши даражасини ошириш юзасидан КПСС XXV съезди ишлаб чиққан улуғвор программани таърифлаб берди.

Иш ҳақи аввалдагидек ҳозирда ҳам ишчи ва хизматчилар даромадларини оширишнинг асосий йўли ва шу билан бирга меҳнатни моддий жиҳатдан рағбатлантиришнинг муҳим воситаси бўлиб қолмоқда. ВЦСПС, касаба союзларининг Марказий Комитетлари ва советлари ҳисобот даврида давлат ва хўжалик органлари билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишни такомиллаштириш чораларини амалга оширдилар. Тўққизинчи беш йилликда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи 20 процент кўпайди. Ишлаб чиқариш тармоқларидаги ишчи ва хизматчиларнинг ставкалари ва окладлари оширилди.

Касаба союз комитетлари ва хўжалик органлари меҳнатни нормалашни яхшилаш соҳасида анча иш қилмоқдалар. Онега трактор заводининг меҳнатни нормалашни яхшилаш ва техникавий жиҳатдан асослаб берилган нормаларни жорий этишдан моддий манфаатдорликни ошириш, шунингдек Владимир областидаги корхоналар коллективларининг ишчилар ташаббуси билан нормаларни қайта кўриб чиқишни рағбатлантириш борасидаги иш тажрибасини қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш керак. ВЦСПС ва СССР Министрлар Совети давлат меҳнат комитети бу ташаббусни маъқуллади.

Биз, деб уқтириб ўтди А. И. Шибаев, нормалашни такомиллаштириш, техникавий жиҳатдан асослаб берилган иш нормалари ва хизмат кўрсатиш нормативларини жорий этишни жадаллаштириш масалалари билан бундан буён ҳам изчил шуғулланишимиз керак. Леонид Ильич Брежнев «иш ҳақи ҳамма жойда **ишлаб топилган ҳақ** бўлиши керак, ҳар бир ходим иш ҳақи ўзининг коллективдаги ишлаб чиқаришда қўлга киритиладиган муваффақиятларга қўшган ҳиссаси билан бевосита боғлиқ эканлигини ҳис этиши лозим» деб кўрсатди.

Меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни планли суратда яхшилаб бориш ҳамиша касаба союзларининг диққат марказида турди ва тураверади. Ҳозирги вақтда бизда бунинг учун жуда қулай имкониятлар мавжуддир. Фан-техника тараққиёти корхоналаримизнинг қиёфасини, меҳнатнинг характери ва мазмунини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимларни коржома ва пойафзал билан таъминлаш тадбирлари учун давлат ажратиб бераётган маблағларнинг миқдори кўпайиб бормоқда. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқаришдаги травматизм йил сайин камаймоқда.

Шу билан бирга айрим министрликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари КПСС Марказий Комитети ҳамда ҳукуматнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасини кучайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларидан зарур хулосаларни чиқариб олганларича йўқ.

Докладчи меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя қилинишини устидан назоратни амалга ошириш каби муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтди. Касаба союзларига бу соҳада кенг ҳуқуқ ва катта имкониятлар яратиб берилган. Аммо афсуски, касаба союз ташкилотларининг ҳаммаси ҳам бу ҳуқуқ ва имкониятлардан тегишлича фойдаланмоқдалар, ҳамиша ҳам зарур принципиаллик кўрсатмоқдалар, деб бўлмайди.

Касаба союз ташкилотлари, касаба союз советлари ва комитетлари, меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда зўр сабот-матонат билан иш олиб боришлари, меҳнат ҳақидаги қонунга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтиришлари зарур.

Касаба союзлари ҳисобот даврида меҳнаткашларнинг уй-жой шароити ва турмуш шароитларини яхшилаш масалалари билан доим шуғулланиб келдилар. Ўтган йилнинг бир ўзидагина қарийб ўн бир миллион киши уй-жой шароитини яхшилаб олди. Шу беш йилликда жами саҳни 550 миллион квадрат метрли уй-жой қурилиши керак. Болалар боғчалари ва яслилар шоҳобчалари кенгайиб бормоқда. Ишчиларнинг ётоқхоналарида турмуш яхшиланмоқда. Уй рўзғоридаги меҳнатни енгиллаштирадиган хизмат турлари кенгайиб, уларнинг ҳажми ортиб боряпти.

Аммо давлат томонидан шу мақсад учун ажратиб берилаётган жуда кўп маблағ ва ресурслардан кўп ҳолларда тўлиқ фойдаланилмаётир. Касаба союзлари Марказий Комитетлари ва советлари уй-жой-маиший объектларни белгиланган муддатларда сифатли қилиб қуриш ва фойдаланишга топшириш учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўрмаётирлар, бу соҳада хўжалик раҳбарлари олдига жиддий талаблар қўймаётирлар.

Сўнгра докладчи касаба союзларининг савдо-сотиқ ва маиший хизматни такомиллаштириш, социал страхование ва меҳнаткашларни пенсия билан таъминлашни янада ривожлантириш соҳасидаги вазифаларига тўхталиб ўтди. У ўтган беш йилликда қарилик пенсияси, I ва II группадаги инвалидларга, шунингдек қаровчисидан маҳрум бўлиб қолган оилаларга бериладиган пенсияларнинг минимал миқдори кўпайтирилганлигини эслатиб ўтди. Давлатнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бераётган ҳар томонлама ёрдами ортиб борди. Ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларни социал страхование қилиш эҳтиёжларига қарийб 110 миллиард сўм ёки аввалги беш йилликдагига нисбатан бир ярим баравар кўп маблағ сарфланди. ВЦСПС касаба союз советлари ва комитетларининг фаолиятини ана шу маблағларнинг тўғри ва тежамли сарфланиши устидан назоратни кучайтиришга қаратди.

Социал вазифалар орасида, деб уқтириб ўтди докладчи, совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Касаба союз ташкилотлари соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда профилактика қилиш ва ишчи ҳамда хизматчиларнинг ишлаб чиқаришда касалланишини қисқартириш соҳасида кўп иш қилмоқдалар.

Ҳисобот даврида санаторий-курортларда даволашни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг уюшган тартибда дам олиши ва туризмни кучайтириш борасида анча иш қилинди. Шу беш йилликда санаторий-курорт ишини ва туризмни янада ривожлантириш юзасидан кенг программа белгиланди. Шу мақсадда касаба союзларининг ўзигина 1,4 миллиард сўм сарфлади.

Касаба союзлари социализм шароитида совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш учун жуда катта имкониятларга эгадир. Совет касаба союзлари бу имкониятлардан кенг фойдаланиб, совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш учун ажратиб берилаётган ҳамма маблағлардан ўз ўрнида ва тўла фойдаланиш, халқнинг фаровонлигини янада юксалтириш йўлида фойдаланиш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишлари керак. Касаба союзларимизнинг муҳофаза қилиш функциялари бу соҳада жуда яққол намоён бўлмоқда. Касаба союзларимизнинг бу функциялари ривожланган социализм даврида тобора янги мазмунга эга бўлмоқда, конкрет ишларда тобора моддий ифодасини топмоқда.

Сўнгра ВЦСПС раиси бундай деди: касаба союз ташкилотлари ҳисобот даврида партия органларининг доимий ёрдами ва қўллаб-қувватлаши билан оммани коммунистик руҳда тарбиялаш ишини янада такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширдилар.

Касаба союз ташкилотлари КПСС XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленумининг қарорлари ва материалларини, КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини пропаганда қилишда фаол қатнашмоқдалар, ана шу шонли юбилейга тайёргарлик ва бу юбилейни ўтказиш соҳасида ташкилий ҳамда агитация-пропаганда тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Касаба союзлари ўзининг тарбиявий фаолияти самарадорлигини ғоят ошириш йўлида қунт билан иш олиб бормоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтганидек, бутун тарбия ишини уюштиришга комплекс ёндошиш, яъни меҳнаткашлар турли группаларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, ғоявий-сиёсий тарбия, меҳнат тарбияси ва ахлоқий тарбиянинг мустаҳкам бирлигини таъминлаш — ана шу мақсадга эришиш йўлидир.

Нотиқ марксизм-ленинизмни кенг кўламда ўрганиш ҳозирги босқичда ижтимоий онг тараққиётининг энг муҳим хусусияти эканлигини таъкидлаб, ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги касаба союз аъзоларининг ярми сиёсий таълимнинг турли формаларига жалб этилганлигини айтди.

Меҳнат тарбиясини яхши йўлга қўйишда касаба союзлари зиммасига катта масъулият юкланади. Бу соҳада меҳнат коллективи шубҳасиз, етакчи роль ўйнайди. Вазифа — меҳнат коллективининг кучидан собитқадамлик билан самарали фойдаланишдан иборат.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари — меҳнат коллективларининг ифтихоридир. Барча ходимларни, деди А. И. Шибаев, улардан ўрнак олиб тарбиялаш, уларнинг жамоат фаолияти ва ишлаб чиқаришдаги активлигининг юксак босқичига кўтарилишларига ёрдам бериш лозим.

Леонид Ильич Брежнев бу ерда бизнинг олдимизга қўйган энг муҳим вазифаларнинг бири — меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлашдан иборат. Шу мақсадда жамоатчилик фикрига тобора кенг таяниш, ҳалоллик ва фидокорлик билан қилинадиган меҳнат обрў-эътиборини янада юксак даражага кўтариш зарур. Иккинчи томондан, шунга эришмоқ керакки, ахлоқ нормаларимиздан ҳар қандай тарзда четга чиқиб кетишга меҳнат коллективида принципиал баҳо берилсин. Коллектив таъсир ўтказишнинг ишчи йиғилишлари, жамоатчи кадр бўлимлари, ишчи шуҳрати кенгашлари, кўргазмали агитация воситалари каби синалган усуллардан актив фойдаланилаётган жойларда ижобий натижаларга эришилаётганлигини практика кўрсатиб турибди.

Коммунистик меҳнат мактаблари янги кишини камол топтиришда катта роль ўйнайди. Ҳозирги вақтда 400 мингта коммунистик меҳнат мактабида ўн ярим миллион киши шуғулланмоқда. Касаба союз советлари ва комитетлари бу мактабларнинг шоҳобчаларини кенгайтиришлари, аввало бундай шоҳобчаларни қишлоқларда кенгайтира боришлари керак.

Ҳозирги шароитда иқтисодий таълимнинг аҳамияти ўсиб боряпти. Иқтисодий таълимнинг таъсир кўрсатиш характерини кучайтириш, бу таълимни ҳосил қилинган билимларни практикада қўлланиш билан, барча меҳнаткашларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал этишга кенг жалб этиш билан узвий равишда бирга қўшиб олиб бориш муҳимдир.

Касаба союзлари комсомол билан биргаликда ёш авлодга меҳнат тарбияси беришга кўп эътибор қилмоқда. Мураббийлар ҳаракати оммавий тус олди. Докладчи ўзларининг бебаҳо меҳнат ва сиёсий тажрибасини саховат билан ёшларга ўргатаётган ва ишчиларнинг ёш ўринбосарларини тарбиялаш учун куч-ғайратларини аямаётган меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорларининг кўп минг кишилик армиясига съезд номидан ишчиларнинг раҳмат сўзларини айтди.

Леонид Ильич Брежнев касаба союзларининг шундан аввалги съездида ҳар бир кишининг қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантириш манфаатларини кўзлаб, бўш вақтдан тўғри фойдаланиш муҳим эканлигини таъкидлаб ўтди.

Ҳозирги вақтда миллионларча меҳнаткашлар бўш вақтларини ўқишга, ўз билимларини оширишга, илмий-техникавий ижодда қатнашишга, ҳаваскорлик санъатига, туризм ва спорт билан шуғулланишга сарф қилмоқдалар. Касаба союзларига қарашли маданият уйлари ва саройлари, клуб ва кутубхоналарнинг меҳнат коллективлари ҳаёти билан алоқаси мустаҳкамланди. Меҳнаткашларнинг ҳаваскор бадиий ижодиёти биринчи Бутуниттифоқ фестивали социалистик маданиятнинг, СССР халқлари кўп миллатли санъатининг улкан умумхалқ байрами сифатида ўтказилмоқда. Бу фестиваль Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган.

Касаба союз ҳаракати, деб сўзини давом эттирди докладчи, ҳеч қачон ва жаҳоннинг ҳеч қаерида Совет ҳокимияти давридагидек бунчалик тез ривожланмаган эди. Олтмиш йил ичида касаба союз аъзоларининг сони кўпайиб, 113,5 миллион кишига етди. Эндиликда бутун ишчилар синфи, барча халқ зиёлилари, қишлоқ меҳнаткашларининг кўп сонли отрядлари ихтиёрий равишда касаба союзларимизга бирлашди. Касаба союзларида 74 миллионли қаҳрамон ишчилар синфи етакчи роль ўйнамоқда.

В. И. Ленин касаба союзларини «бутун ишчилар оммаси учун, сўнгра эса барча меҳнаткашлар учун ҳам» коммунизм мактабига айлантириш вазифасини қўйган эди. Ҳозирги вақтда бу вазифа тобора тўла-тўкис амалга оширилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида касаба союзларининг ташкилотчилик иши тобора собитқадам ва самарали бўлиб қолди. Съезд олдидан ўтказилган ҳисобот-сайлов кампанияси касаба союзлари фаолиятининг кенг ижодий кўригига айланди. Ҳисобот-сайлов кампанияси совет касаба союзлари жонажон Коммунистик партия теварагига мустаҳкам жипслашганлигини, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқуллаб, қизғин қўллаб-қувватлаётганлигини намойиш қилди.

Касаба союзларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференция ва съездлари кенг кўламдаги уюшқоқлик ва ишчанлик вазиятида ўтди. Юксак сиёсий савия, принципиаллик ва қилинган ишларга танқидий баҳо бериш — ана шу йиғилиш, конференция ва съездларга хос хусусият бўлди.

Йиғилиш ва конференцияларда касаба союз аъзоларининг 93 проценти қатнашди. Музокараларда 16,5 миллиондан зиёд киши ёки касаба союз аъзоларининг олтидан бир қисми сўзга чиқди. Улар кўпгина қимматли таклиф ва танқидий мулоҳазаларни айтдилар. Бу таклиф ва мулоҳазалар қараб чиқилди, умумлаштирилди ва ҳозирги вақтда амалга оширилмоқда. Шу билан бирга ҳисобот ва сайлов касаба союз ташкилотларининг баъзи советлари ва комитетлари айрим ҳолларда зарур ташаббус кўрсатиб ишламаётганлигини, баъзан камчиликларга тоқат қилиб келаётганлигини ҳам кўрсатди.

Докладда юқоридан тортиб пастгача касаба союзлари ҳамма бўғинларининг ишини кучайтириш, бошланғич касаба союз ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш тармоқ касаба союзлари ва уларнинг марказдаги ҳамда жойлардаги органларининг фаолиятини яхши йўлга қўйиш, касаба союз кадрларининг сифат составини яхшилаш соҳасидаги вазифалар катта ўрин олди.

Колхоз меҳнаткашлари кенг оммасини касаба союзлари сафига тобора бирлаштириш, деб уқтириб ўтди А. И. Шибаев, социал-сиёсий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эгадир. ВЦСПС ва қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари Марказий Комитети ўтган йили сентябрь ойида колхозларда касаба союз ташкилотларининг оммавийлигини кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Ўтган давр ичида 2 миллион колхозчи касаба союзига аъзо бўлиб кирди ва ҳозирги вақтда колхозларнинг касаба союз ташкилотлари 5,6 миллион кишини бирлаштиради.

Ишда ленинча услубни тобора қарор топтириш — касаба союзларининг муваффақиятли ишлаши учун муҳим шартдир. Иш формалари ва методларини бундан буён ҳам такомиллаштириш, касаба союз органларининг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш, касаба союз демократиясини, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш керак.

Нотиқ яна қуйидагиларни айтди: бизнинг съездимиз СССР касаба союзлари Уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалани қараб чиқиши керак. Уставни КПСС XXV съездининг принципиал хулосалари ва йўл-йўриқлари билан тўлдириш ҳақида таклиф киритилади. Ана шу йўл-йўриқлар ривожланган социализм шароитида касаба союзлари фаолиятининг асосий вазифаларини конкретлаштиради ва ривожлантиради.

Сўнгра, А. И. Шибаев совет касаба союзларининг халқаро фаолиятига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: совет касаба союзлари барча мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг синфий бирдамлиги, ўзаро ёрдами ва ҳамкорлиги учун доим курашиб келмоқда, жаҳон касаба союз ҳаракатининг турли отрядлари билан алоқаларни актив ривожлантирмоқда, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кучларни жипслаштиришга интилмоқда.

Совет касаба союзлари халқаро кескинликнинг юмшатилиши давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг асосий тенденцияси бўлиб қолишига ёрдам бериш учун интилмоқда. Улар кескинликнинг юмшатилиши турли маслакдаги касаба союзлари ўртасида ҳамкорликни кенг ривожлантириш учун қулай шарт-шароит вужудга келтиришга аминдирлар. Касаба союз алоқаларини ривожлантириш ўз навбатида халқаро сиёсий иқлимни яхшилашга таъсир ўтказиб келаётганлигини практика кўрсатиб турибди.

Совет касаба союзлари, деди докладчи, Хельсинкида ўтказилган Умумевропа кенгашининг якунларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқдалар. Улар Европа коммунистик ва ишчи партиялари Берлин конференциясининг қарорларини тўла-тўкис маъқулламоқдалар ва бу қарорларни амалга ошириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Биз касаба союзлари билан алоқа боғлаган мамлакатлар сони 116 тадан 128 гача кўпайди, ВЦСПС алоқа боғлаган касаба союз марказларининг сони эса 134 тадан 161 га етди. 4.5 мингдан зиёд касаба союз делегацияси СССРга келиб кетди. Совет касаба союзларининг тўрт мингга яқин делегацияси чет элларга бориб келди.

Социалистик мамлакатлардаги касаба союзлари билан ҳамкорлик айниқса самарали ривожланмоқда. Ҳозирги кунда фабрика-завод комитетларидан тортиб касаба союз марказларигача ҳамма босқичда шундай ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг касаба союзлари социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини амалга оширишга актив кўмаклашмоқдалар. социализм мамлакатларининг ўзаро иқтисодий ҳамкорлигида рўй бераётган янгиликларнинг ҳаммасига зўр эътибор бермоқдалар. Октябрнинг 60 йиллиги шарафига мусобақани авж олдириб юборган Венгриядаги Чепель комбинати коллективининг, Болгария, ГДР, Польша, Чехословакия меҳнаткашларининг ташаббуси қардош мамлакатларда кенг қўллаб-қувватланди.

Маълумки, меҳнаткашларнинг энг зарур эҳтиёжлари ва талабларини қондириш учун муттасил кураш олиб бориш,— деб сўзини давом эттирди нотиқ, касаба союзларининг асосий вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Биз буни ғоят кенг миқёсда амалга оширилиши лозим бўлган вазифа деб биламиз. Халқаро ишчилар синфи, бутун меҳнат аҳли совет касаба союзларининг бундан буён ҳам тинчлик учун, империализмга қарши, социал тараққиёт учун курашувчиларнинг олдинги сафларида боражакларига амин бўла олади!

Касаба союзларининг XVI съезди Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллиги арафасида тўпланди. Бу эса съезд иши олиб бориладиган бутун вазиятни белгилаб беради.

Партия раҳбарлиги — касаба союзлари куч-ғайратининг манбаи, уларнинг муваффақиятли ишлаши учун гаровдир. Совет касаба союзларининг бутун тарихи шонли Коммунистик партиянинг ишчилар синфи манфаатлари учун, меҳнаткашларнинг манфаатлари учун олиб бораётган қаҳрамонона кураши билан чамбарчас боғланган.

СССР касаба союзлари бундан буён ҳам партиянинг мустаҳкам таянчи ва содиқ ёрдамчиси бўлиб қолаверади, омма ўртасида партия сиёсатини актив амалга ошираверади, коммунизмнинг ленинча мактаби ролини янада яхши ва тағин ҳам тўлиқ амалга ошираверади!

Партия ўнинчи беш йилликда ва узоқроқ истиқболни мўлжаллаб ўртага қўйган вазифалар кенг миқёсли, мураккаб, новаторлик вазифаларидир. КПСС буюк мақсадларни илгари суриб, бу мақсадларга эришиш йўлларини ҳам кўрсатиб берди.

А. И. Шибаев докладининг охирида бундай деди:

Партия теварагига маҳкам жипслашган совет касаба союзлари ҳозирги кунда бутун халқ билан биргаликда коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар ва бундан буён ҳам янада яхшироқ меҳнат қилаверадилар.

Ҳамиша партиянинг доно, синалган етакчилигида бориш, ҳамиша халқ оммаси билан бирга бўлиш, ҳар доим коммунистик бунёдкорликнинг улуғ фронтида бўлиш—совет касаба союзларининг позицияси бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Докладчи КПСС ленинчи Марказий Комитетини, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюрони ишонтириб, совет касаба союзлари КПСС XXV съезди қўйган юксак ва масъулиятли вазифаларни шараф билан бажарадилар, деб таъкидлади.

(А. И. Шибаевнинг доклади зўр эътибор билан тингланди ва кўп марта қарсаклар билан бўлиниб турди).

СОМАЛИДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Сомали Революцион социалистик партияси раҳбар ходимларининг бир группаси Ўзбекистонга келди. Шу партия Марказий Комитетининг аъзоси ва бўлим мудири Аҳмад Муҳаммад Дуале группага бошчилик қилмоқда. Меҳмонлар республика бўйлаб сафар қиладилар, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, саноат, қишлоқ хўжалик корхоналари, фан ва маданият муассасаларининг КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини бажариш борасидаги иш тажрибалари билан танишадилар.

21 мартда Сомали Революцион социалистик партиясининг раҳбар ходимлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб, унинг бир қанча бўлимларида суҳбатлар ўтказдилар. (ЎзТАГ).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Р — 03265 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. 1588.